Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 29 май
ЯКШАНБА
№ 121 (4.317).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

ОШКОРАВИЙ ВА ДЕМОКРАТИК СИЁСАТ

КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезислари ҳақида газетхон фикри

МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

Қайта қуриш программасининг муваффақияти ҳар бир кишининг кундалик фидойи меҳнатига, ташаббускорлигига боғлиқ. Шу боисдан биз— ветеранлар ҳам қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Меҳнат коллективларида, маҳаллаларда партия олдимизга қўяётган долзарб вазифаларни оммага кенг тушунтираяпмиз. Кўп миллатли кишилар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга даъват этаяпмиз.

Улуғ Ватан уруши йилларида не-не қийинчиликларни бошдан кечирмадик. Чорасиз бўлиб кўринган дамларда ҳам барча миллат ва элат вакиллари ёнма-ён, елкама-елка туриб курашиб, душманга қирон келтирдилар. Одесса, Кишинёв шаҳарларини озод этиш учун олиб борилган жангу жадалларда халқ дўстлигининг қудратли кучи яққол намоён бўлди. Ўша ерда волгоградлик Мария Калачевская билан танишдим. Урушдан сўнг турмуш қурдик. Эндиликда фарзандларимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, Ватан бойлигига бойлик қўшишаяпти.

КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларида жуда тўғри таъкидланган: **«Барча миллат коммунистлари ҳамиша мамлакатимиз халқлари буюк социалистик иттифоқининг жон-дили, уни мустаҳкамловчи кучи бўлиб келдилар. Бу юксак ва масъулиятли вазифани улар бундан буён ҳам амалга оширишга даъват этилганлар».**

О. МАМАТОВ,
Нишон районидаги Нишон қишлоқ Совети территориясида яшовчи уруш ва меҳнат ветерани.

МЕҲНАТ ЖЎШ УРГАН ЖОЙДА

Султон Эргашев етакчилигидаги коллектив авваллари колхозимизнинг қолоқ бригадаларидан ҳисобланарди. Эндиликда энг илғорлардан бири. Икки йилдирки, давлатга пахта топшириш планини биринчилардан бўлиб бажараяпти. Сабаби: коммунист-бригадир ўз сиёсий ва иқтисодий билимини оширишга жиддий киришиб, машғулотларда мунтазам иштирок эта бошлади. Ўз тушунчаларини коллектив аъзоларига уқдиришга ҳаракат қилди. Фаол тингловчиларимиздан звено бошлиғи Аҳмад Ашуров, қурувчи Нусрат Зиёдуллаев, агроном Бобоқул Ҳожиев ва бошқалар ҳам ўз иш жойларида барчага ўрнак бўлишмоқда.

Мен пропагандист сифатида улар фаолиятини мунтазам кузатиб бораман. Шуниси қувончлики, колхозимиз аъзоларининг кўпчилиги Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилиб ишлашмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезислари биз — пропагандистлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Партия муҳим ҳужжатини омма онгига сингдириш, меҳнаткашларнинг қайта қуришда фаол иштирок этишлари, сўз ва иш бирлигини таъминлаш кўп жиҳатдан пропагандист маҳоратига боғлиқ. Шу боис партиямиз ҳаётидаги энг қизғин давр руҳини сингдириш учун ўз ўринимизни ҳамиша ҳаёт қайнаган жойда — пахта далаларида, сут-товар фермасида, сабзавот пайкалларида тер тўкаётган меҳнаткашлар орасида деб билаяпмиз.

Ж. ТЎРАЕВ,
Бухоро районидаги «Ленин йўли» колхози пропагандисти.

КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезислари меҳнат коллективлари, кенг жамоатчилик томонидан қизғин ўрганилмоқда. Тошкентдаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси механика цехи ишчи-хизматчилари ҳам партия олий анжуманига тақдим этилган бу муҳим ҳужжатни алоҳида диққат-эътибор билан муҳокама эта бошладилар.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) группа партия ташкилотчиси В. Мороз, участка мастери О. Пичурин, токарь Б. Қосимов, фрезерчи М. Абдужамилов, цех бошлиғи А. Мовшиц, партком секретари А. Кульмизев ва блок бошлиғи Ю. Горяинов танаффус пайтида Тезисларни ўқиб-ўрганишмоқда.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

ДЕҲҚОН МУДДАОСИ

Колхозимиз, жумладан бригадамиз меҳнат аҳли КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тезисларини зўр қизиқиш ва манфаатдорлик билан ўқиб, муҳокама қилмоқда. Сабаби аён: унинг ҳар сатри ва жумласи мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришни, халқ фаровонлигини ўстиришни кўзда тутади. Ҳужжатда шунингдек барча тармоқлар қатори қишлоқ хўжалигида белгиланган марраларга эришишнинг йўл-йўриқлари ҳам кўрсатиб берилганки, у ҳам бўлса, хўжалик ҳисоби ва пудратдир. Меҳнатни ташкил этиш ҳамда рағбатлантиришнинг илғор усуллари афзаллигини эса ҳаётнинг ўзи тўла исботламоқда. Бригадамиздан қиёс: ўтган йили давлатга 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан, жами 480 тонна оқ олтин сотилди. План 120 процент адо этилди. Бунинг эвазига мўмай даромад олинди.

Жорий йилда гектар ҳисобига 40 центнердан хом ашё тайёрлашни мўлжаллаганмиз. Бўлғуси ҳосилга кузда тамал қўйилиши ҳаммага маълум. Ўшанда жами майдон икки ярусли плугда чуқур ҳайдалди. Шудгорлаш олдидан ҳар гектар ерга 45—50 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Қишда карталар чилла сувига қондирилди, ариқ-зовурлар тартибга келтирилди, техника ремонти барвақт тугалланди. Эрта баҳорда эса чигит яхши тайёрланган майдонларга экилди. Уруғ ернинг ўз намида ундириб олиниб, тўлиқ гектарлар ҳосил қилинди. Қатор ораларига дастлабки ишлов бериш, ўғитлаш ва яганалаш агротехника қоидалари асосида ўтказилди. Айни кунларда ниҳолларга иккинчи ишлов берилаётир. Бунда механизаторлар Шарифжон Матазимов ва Акрамжон Каримов алоҳида ибрат кўрсатишмоқда. Тажрибали сувчиларимиз эса пайкалларга оби ҳаёт тарашга ҳозирлик кўришаяпти. Бу тадбирларнинг самараси кўзга яққол ташланмоқда: ғўза кунда бир яшнаяпти.

Кўзланган марра албатта забт этилади. Бригада аъзоларининг ғайрати, ниҳоллар ривожи шундан далолат беради. Бироқ очиқ айтиш керак. пахтанинг давлат харид нархи камлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бу ҳақда кўп гапирилаяпти-ю натижадан ҳамон дарак йўқ. Ахир, қаҳратон совуқда, жазирама иссиқда меҳнат қилиб, оқ олтин етиштиришнинг ўзи бўладими?! Шу маънода тезисларда мана бу сўзлар алоҳида таъкидланганини айни муддао бўлди: «Нарх-наво ва нарх белгилашнинг ислоҳоти пухта тайёрланиб, ўз вақтида ўтказилсин... Шу билан бирга чакана нархларни қайта кўриб чиқиш аҳолининг турмуш даражасига зарар етказмайдиган тарзда амалга оширилиши кераклигини таъкидлаш лозим». Бу қанча тез рўёбга чиқса, пировард натижа салмоғи шунча кўпаяди, халқ фаровонлиги тобора яхшиланади.

М. УСМОНОВ,
Бувайда районидаги «Партия XX съезди» колхозининг бригада бошлиғи, КПСС XXVII съезди делегати, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

ТУБ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Жанажон Коммунистик партиямиз сафига қабул қилинганимга олтмиш йилдан ошди. Бу давр партия ва жамиятимиз турмушидагина эмас, балки ҳар бир коммунист ҳаётида қарама-қаршиликларга тўла кураш йиллари бўлди. Мен Бухорода Совет ҳокимиятини ўрнатиш, сўнгра коллективлаш ишларида фаол қатнашдим. Партия қаерга, қайси лавозимга юбормасин, ҳамиша ленинча эътиқодимга содиқ қолдим. Улуғ Ватан уруши бошланиб, халқимиз бошига оғир мусибат тушганда эл қатори қўлга қурол олиб юртимиз ҳимоясига отландим. Урушдан кейинги тикланиш даврида партия, совет, хўжалик органларида масъул вазифаларда ишладим. Ҳозир пенсиядаман. Аммо мени тарбиялаган партия ва халқ олдида ўзимни ҳамиша қарздор деб биламан.

КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларини синчиклаб ўқиб чиқдим. Партиямиз қайта қуриш йўлини изчил давом эттираётганидан мамнун бўлдим. Айниқса Советлар ролини, халқ депутатлари ҳуқуқи ва масъулиятини ошириш хусусидаги гаплар менга жуда маъқул. Чунки Советлар, доҳий В. И. Ленин алоҳида таъкидлаганидек, чинакам халқ ҳокимиятидир. Шундай экан, турғунлик даврида роли сезилмай қолган маҳаллий Советлар фаолиятини қайта жонлантириш зарур. Бунинг учун эса Тезисларда кўрсатилганидек: «Қуйи маҳаллий Советлар компентенциясига тааллуқли масалаларни ҳал этишда юқори ҳокимият органлари ва бошқармаларнинг аралашувига, шунингдек, кўпдан-кўп кераксиз мувофиқлаштиришларга қатъият билан чек қўйилиши лозим».

Очиғини айтадиган бўлсам, ўтган йиллар давомида жуда кўп партия ҳужжатларини ўрганиб чиққанман. Аксарияти халқимиз ва жамиятимиз манфаатлари йўлида қабул қилинган. Аммо, афсуски, улар кўпинча қоғозда қолиб кета верарди. Партиянинг бугунги сиёсати кенг ошкоралиги ва ҳаётбахшлиги билан ажралиб турибди. Ўйлайманки, узоқ келажакни кўзда тутган, ҳақиқий демократик ушбу сиёсат—жамиятимиз ва совет халқи ҳаётида туб ўзгаришлар яратишга қодир сиёсатдир.

Турсун САЛИМОВ,
Ғиждувон район уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ—БАРАКА КИТОБИ

Ҳамма ерда бўлгани каби кўчма колоннамизда ҳам ишни уюштириш ва рағбатлантиришнинг пудрат усули кенг жорий этилмоқда. Ҳар бир бригада, участка хўжалик ҳисоби асосида фаолият юритиб, давлат ва меҳнат коллективи манфаатларининг уйғунлигига эришилаяпти. Кеча матбуотда эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларида ҳам хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитларида ишлаш кенг миқёсларда қўлланилаётганлиги таъкидлаб ўтилган. Ушбу ҳужжатда: «Бу усуллар меҳнат коллективларининг ташаббусини, одамларнинг омилкорлигина қулф урдиради, энг кўп самарадорлик билан ишлашга ундайди, ҳамма шаклардаги текисчиликни таг-томири билан йўқотишга кўмаклашади, демократиялаш жараёни учун моддий пойдевор яратади», — деб уқдирилган.

Кўчма колоннамиз бинокорлари Шовот райони хўжаликларида кенг кўламда бунёдкорлик ишларини олиб бормоқдалар. Кейинги пайтда «Колос» совхози, «Правда», «Ленинград» колхозларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари адо этилди. Мазкур хўжаликларда белгиланганидан бир ярим ҳисса кўп турар жой бинолари фойдаланишга топширилди. Ҳозирги пайтда «Ленинград» колхозидаги Ломоносов номли ўрта мактаб ҳамда «Колос» совхозидаги уй-жойлар қурилишида иш қизғин олиб борилаяпти.

Коллективимиз бу йил бош пудрат бўйича 4 миллион 822 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунгача ярим йиллик топшириқни зиёдаси билан адо этишга азму қарор қилган. Ўзаро меҳнат беллашувида Бозорбой Исмоилов, Ражаббой Матёқубов, Худойберган Ўрозматов сингари коммунистлар бошқаларга намуна бўлишаяпти. Ҳар бир қурувчи партия анжуманини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш иштиёқида ғайрат-шижоат кўрсатмоқда.

А. ҚУТЛИМУРОДОВ,
«Хорезмсовхозводстрой» трестининг Шовот механизациялашган кўчма колоннаси қурувчиси.

ДАЛАЛАР НАФАСИ

Яккабоғ районидаги боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган «Коммунист» совхозида жорий йилдан бошлаб сарф-харажатларни назорат қилишнинг чек усулида иш юритилаяпти. Бу қисқа фурсат ичидаёқ ўз самарасини берди. Материал ресурсларни тежаб-тергаб ишлатишга, топшириқни пишиқ-пухта бажаришга эътибор кучайди. Жумладан, бир ойда салкам 20 минг сўм иқтисод қилишга эришилди. Айни пайтда 62 кишига лимитли чек дафтарчаси берилган. Улар маблағларни ўринли сарфлаб, камчиқим ишлашмоқда.

А. ЭЛМИРЗАЕВ,
Б. РАСУЛОВ.

* * *

Қурбонназар Қурбонов ўттиз йилдан бери техника билан сирдош. Олот районидаги «Ленинград» колхозининг бу тажрибали механизатори ҳалол меҳнат қилиб, ҳурмат-эътибор топмоқда. Унинг кўксини Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳрмат белгиси» орденлари безаб турибди. 1988 йил коммунист Қ. Қурбонов ҳаётида ўчмас из қолдирди: у колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съездида иштирок этди. Қурбонназар ака меҳнат қилаётган Ж. Ондаев бошлиқ бригада бу йил гектаридан 35 центнердан пахта етиштиришга бел боғлаган. Шу кунларда ниҳоллар меҳр билан парвариш қилинаяпти. Ғўзага ишлов бериш ва озиқлантиришда Қ. Қурбонов ғайрат кўрсатмоқда.

Ч. ТЎХТАЕВА.

* * *

Ленин районидаги «Правда Востока» колхозидан Қобилжон Холмуродов оилавий звеноси 2,5 гектар ерни пудратга олиб, ғўза ўстираяпти. Улар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтаришни мўлжаллашган. Қобилжон ўз томорқасида икки сотихли ойнаванд теплица барпо этган. Унда бодринг ва бошқа экинлар парвариш қилиб, яхши даромад олаяпти.

Т. КОМИЛОВ.

* * *

«Халқлар дўстлиги» ордени соҳиби Алимқул Фармонов Жомбой районидаги «Октябрь» колхозида бригадирлик қилади. У бошлиқ коллектив бултур 114 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта йиғиштириб олганди. Бу йил ҳам шу марра кўзланган. Бригадада яганалаш, ниҳолларга дастлабки ишлов бериш қисқа муддатда тугалланди. Айни пайтда озиқлантириш ва суғоришга тайёргарлик кўрилмоқда. Дала ишларида механизаторлар Қ. Жалолов, Қ. Абдурашидов, колхозчилардан А. Санақулов, Ш. Мухторов, А. Гулмуродов, Х. Хўжамова, Н. Абдуллаева, Т. Абдурашидова, С. Гулмуродова фаол қатнашмоқдалар.

А. УМЕДОВ.

* * *

Мақсуда — меҳнатнинг оғир-енгилини танлаб ўтирмайдиганлардан. Шу боисдан 25 ёшида учинчи, 31 яшарлигида иккинчи даражали Меҳнат шуҳрати орденлари билан тақдирланди. КПСС аъзоси бўлди, район Советига депутат этиб сайланди. Бригадирлик қилаётганига эса уч йилдан ошаяпти. Коллектив ҳамиша планни бажариб келмоқда.

— Бу йил 161 гектарнинг ҳар гектаридан 40 центнердан оқ олтин етиштиришга аҳд қилганмиз, — дейди Бувайда районидаги Киров номли колхоз бригадаси бошлиғи, колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съезди делегати Мақсуда Обидова. — Ғўза парваришини кун сайин қизитаяпмиз. Ниҳолларга иккинчи комплекс ишлов берилаяпти. Мажбуриятни албатта бажарамиз.

А. ҚОДИРОВ.

* * *

«Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бухоро пахтачилик тажриба станцияси ходимлари ғўзанинг янги навларини яратиш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Айниқса селекциячи А. Батталов яратган «Бухоро-6» нави пахтакорларда катта қизиқиш уйғотди. Бултур шундай чигит экилган майдонлардан бошқа навларга нисбатан 5—7 центнер кўп ҳосил олинди. Бу йил область бўйича 86 минг гектарга «Бухоро-6» нав уруғлик қадалди. Ғўзалар баравж ривожланмоқда.

Ҳ. ҚУРБОНОВ.

* * *

Турсунбой Сафаров Сариосиё районидаги «Коммунизм» совхозида илғор бўлимлардан бирини бошқаради. 17 йилдан бери дала айланади, коллективи план ва социалистик мажбуриятларни бажариши учун елиб-югуради. Унинг ташаббускорлиги, меҳрибонлиги, ишни оқилона ташкил этаётгани туфайли бўлимда белгиланган топшириқлар муваффақиятли уддаланмоқда. Жумладан бултур гектар ҳисобига 32 центнер ўрнига 42 центнердан пахта тайёрланди, маккажўхори, беда ва бошқа экинлардан ҳам баракали ҳосил олинди. Бу йилги марралар ҳам юксак. Гектаридан камида 40 центнердан хирмон кўтаришни кўзлаган бўлим пахтакорлари ғўза парваришини оби-тобида ўтказишаяпти.

Х. МИРЗАЕВ.

* * *

Бухоро районидаги Усмон Юсупов номли колхоз эндиликда пешқадамлар қаторида тилга олинади. Қолоқ хўжаликни илғорлар сафига олиб чиқишда правление раиси, колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съезди делегати Элмурод Шомуродовнинг ҳиссаси катта бўлди. У колхозга раҳбар этиб тайинлангач ўрта бўғин ва мутахассис кадрларга эътиборни кучайтирди. Улар зиммасидаги масъулиятни оширди. Натижада ишга муносабат ўзгарди. Меҳнат аҳли жорий йилда она-Ватанга 5 минг тонна пахта, 555 тонна сабзавот, 260 тонна полиз, 116 тонна узум ва бошқа маҳсулотлар топширишга бел боғлаган. Шу мақсад йўлида дала ишлари мусобақаси қизитилмоқда.

Ж. ЙЎЛДОШЕВ.

* * *

Беш йилликнинг учинчи йилида 40 тонна пахта, 20 тонна мева, 130 тонна узум, мўлкўл сабзавот, гулхайри, маккажўхори ва беда етиштирамиз! — Чортоқ районидаги «Фарғона» совхозидан коммунист Бекмирза Жўрабоев бошлиқ бригада аъзолари шундай мажбурият олишган. Шу кунларда барча турдаги экинлар меҳр билан парвариш қилинмоқда.

А. АСРОРОВ.

* * *

Турсунмат Турдибоев 28 йилдан буён Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхозда бригадир. Ўтган вақт мобайнида ҳалол меҳнати билан эл ҳурматига сазовор бўлди. У бошлиқ коллектив жорий йилда истеъмолчиларга 26 тонна бодринг, 100 тонна карам, 600 тонна помидор ва бошқа маҳсулотлар етказиб беришни мўлжаллаган. Меҳнатни тўғри ташкил этишда пудратга ўтиб ишлаш, сарф-харажатларни чек билан назорат қилиш қўл келаяпти.

М. ҚАЮМОВ.

* * *

Нишон районидаги «СССР 50 йиллиги» совхози — Қарши даштида тузилган қўриқ хўжаликлардан бири. Бу ерга Наманган областидан 240 дан зиёд хонадон қалб амри билан кўчиб келганди. Айни пайтда улар совхознинг асосий ишчи кучини ташкил этишади. Чўлқуварлар беш йилликнинг учинчи йилида давлатга 3.550 тонна пахта, 600 тонна дон, 100 тонна гўшт, 370 тонна сут ва бошқа маҳсулотлар топширишга қарор қилишган. Ҳ. Ирисалиева, И. Эминов, Т. Исаев, М. Турғунов бошлиқ бригадалар ҳосилдорликни гектар бошига 25 центнердан оширишмоқчи.

М. АВЛИЁҚУЛОВ.

ХИМИКЛАР КУНИ АРАФАСИДА

Мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш даражаси кўп жиҳатдан химия комплекси ишига боғлиқ. Химия, аслида барча тармоқларда фан-техника тараққиётини белгилаб беради, кўпгина янги материаллар, истиқболли технологиялар, замонавий халқ истеъмоли товарларини химиясиз яратиш ва ишлаб чиқариш мумкин эмас. Тармоқ ходимларининг касб байрами — химиклар кунига бағишланиб, 27 май куни Москвада ўтказилган тантанали йиғилишда химия комплексини ривожлантириш ва бу тармоқ ишини янада интенсивлаштириш, химия саноатидаги қайта қуриш тўғрисида гапирилди.

КПСС Марказий Комитети секретари О. Д. Бакланов, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Советининг химия-ўрмон комплекси бюроси раиси В. К. Гусев, КПСС Марказий Комитети химия саноати бўлими мудири В. Г. Афонин, бир қанча министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар, ишлаб чиқариш илғорлари, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари президиумга чиқдилар.

СССР медицина ва микробиология саноати министри В. А. Биков доклад қилди.

(ТАСС мухбири).

АРХИТЕКТОРЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг 28 май куни Тошкентда бўлиб ўтган пленуми саноат архитектураси сифатини яхшилаш масалаларига бағишланди. «Архитектура ва ишлаб чиқариш муҳити» ижодий комиссиясининг раиси А. И. Алехиннинг докладида ва пленум бошқа қатнашчиларининг нутқларида саноат объектларини қуришга муносабатни тубдан ўзгартириш зарурлиги тўғрисида гапирилди. Саноат архитектурасидаги турғунлик ҳолларининг сабаблари таҳлил қилинди.

Етилган муаммоларни сира кечиктирмай ҳал қилиш муҳимлиги таъкидланди. Пленум қатнашчилари конкрет таклифлар киритдилар. Саноат қурилиши архитекторларини тайёрлашни яхшилаш, лойиҳа-қурилиш комплекслари ёки бирлашмаларини тузиш, йиғма конструкциялар ва пардозлаш материаллари турларини кўпайтириш, яхлит темир-бетонни кенгроқ қўлланиш ана шулар жумласидандир. Саноат архитектураси сифатининг яхшиланиши, деб таъкидланди пленумда, шаҳарсозлик, техника, экология, социал масалаларни ва бошқа масалаларни комплекс ҳал қилиш билан чамбарчас боғлиқдир.

(ЎзТАГ).

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг тўққизинчи сессиясида қабул қилинган қонун ва қарорлар

СССР Олий Советининг қарори

СССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ ЮЗАСИДАН

СССР Олий Совети таъкидлайдики, СССР Олий суди Қонун билан Совет давлати Олий суд органи зиммасига юкланган вазифаларни бажара бориб ўз ишини КПССнинг жамият ҳаёти ҳамма соҳаларини қайта қуришнинг зарур шартларидан бири сифатида социалистик қонунчиликни ҳуқуқ-тартиботни ҳар томонлама мустаҳкамлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ қурмоқда.

СССР Олий суди совет гражданларининг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини пухта ҳимоя қилиш, судларнинг граждан ишлари ва жиноий ишлар юзасидан чиқарган қарорлари, ҳукмлари, ажримларининг қонунийлиги ва асосланганлигини таъминлаш, жиноятчиликка ва бошқа ҳуқуқбузарликка қарши курашда, барча гражданларни қонунларга оғишмай риоя қилиш руҳида тарбиялашда судлар иши самарадорлигини ошириш чораларини кўрмоқда.

Ҳисобот даврида СССР Олий суди суд практикасини ўрганиш ва умумлаштириш ишини кучайтирди. Судларга қонунларни тўғри қўлланиш, суд ишларини суд юритишнинг демократик принципларига қатъий риоя қилиш асосида, қайта қуришни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш манфаатларини кўзлаб ўз вақтида қонуний йўл билан ҳал этиш масалалари юзасидан принципиал муҳим изоҳлар юбордики, судлар ана шу изоҳларга амал қиладилар.

Совет гражданларининг шон-шарафи ва қадр-қимматини, ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга, уларнинг мол-мулкини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилди. Меҳнат, уй-жой ва табиатни муҳофаза қилиш қонунлари қандай бажарилаётганлиги масалалари, социалистик мулкнинг сақланиши, порахўрлик, чайқовчилик, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш масалалари мунтазам кўриб чиқилмоқда.

СССР Олий суди жиноий жазони белгилашга тағин ҳам табақалаштирилган ҳолда ва адолатли ёндашув зарурлигига судлар эътиборини изчиллик билан қаратиб келди, бу эса катта ижтимоий хавф бўлмаган жиноятларни содир қилганлик учун жамиятдан ажратмай туриб тарбиялаш мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилишининг анча камайишига ёрдам берди.

СССР Олий суд органи суд практикаси учун принципиал аҳамиятга эга бўлган ғоят муҳим ишларни биринчи инстанция сифатида тез-тез кўриб чиқди. Судларнинг одил судловни амалга ошириши устидан назорат фаолияти кучайтирилди, судда текшириш чоғида барча ҳолатларни тадқиқ этишнинг тўла ва холисона бўлишига, конкрет ишларни ҳал қилиш чоғида процессуал ҳуқуқлар таъминланишига талабчанлик ортди. СССР Олий суди шикоятларни ва ишларни назорат қилиш тартибида кўпроқ текшириш ўтказиб қонунга хилоф ва асосланмаган суд қарорларининг, шу жумладан ўттизинчи йилларда ва урушдан кейинги даврда репрессия қилинган шахсларга нисбатан чиқарилган ҳукмларни бекор қила бошлади.

Шу билан бирга СССР Олий Совети судларнинг ишида учраётган хатолар ва қонун бузишларни, дастлабки тергов чоғида тўпланган материалларга танқидий муносабатда бўлмаслик фактларини, судларнинг меҳнат коллективлари ва аҳоли билан алоқалари бўшлиги сабабли кўпинча йўл қўйилаётган одамлар тақдирига нисбатан холисона иш тутмаслик ва бефарқлик кўринишларини қатъиян тугатиш учун СССР Олий суди ўз ваколатларидан тўла фойдаланмаяпти.

СССР Олий суди хўжалик ислоҳотини амалга ошириш, фан-техника ютуқларини жорий этиш, кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш билан, миллий муносабатларга тааллуқли, қайта қуриш, ошкоралик ва совет жамияти ҳаётини демократиялаш шароитида судлар олдида пайдо бўлган бошқа муаммолар билан боғлиқ бўлган энг долзарб масалалар юзасидан СССР Олий судининг пленуми ўз вақтида ва малакали йўл-йўриқлар ишлаб чиқиши учун суд практикасини чуқур ўрганиш ва умумлаштиришни ҳамиша ҳам таъминламади.

Суд практикасини, шунингдек раислари ўз лавозимига кўра СССР Олий судининг аъзолари бўлган иттифоқдош республикалар Олий Судлари фаолиятини умумлаштириш натижаларидан СССР Олий суди Қонун чиқаришда ташаббускор бўлиш, амалдаги қонунларни талқин қилиш тўғрисидаги масалаларни қўйиш учун етарли фойдаланмаяпти.

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. СССР Олий суди совет кишиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, мамлакатда қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан СССР Конституцияси талабларига ва КПСС XXVII съезди кўрсатмаларига амал қилиб:

асосий эътиборни судлар йўл қўяётган хатоларни қатъият билан бартараф этишга, совет одил судлови демократик принципларини амалга оширишга ва конкрет ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш чоғида совет қонунларига қатъий риоя қилинишини таъминлашга қаратиб суд фаолияти савиясини ошириш юзасидан қўшимча чоралар кўрсин;

гражданларнинг сиёсий, меҳнат, уй-жой, бошқа социал иқтисодий ҳамда шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда, давлат ва жамоат мулки сақланишини, корхоналар манфаатини таъминлашда ҳамда хўжасизликка қарши курашни кучайтиришда судларнинг ролини бутун чоралар билан оширсин;

суд практикасини чуқур ўрганиш ва умумлаштиришни, жамият ҳаётини янада демократиялаш ва иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, «Мансабдор шахсларнинг гражданлар ҳуқуқларини камситадиган ғайриқонуний ҳаракатлари хусусида судга шикоят қилиш тартиби тўғрисида» СССР Қонунини амалга ошириш шароитида қонунларни қўлланишнинг энг мураккаб ва долзарб масалаларига судлар эътиборини ўз вақтида қаратсин. Раҳбарлик тушунтиришлари сифати оширилсин, бу ҳужжатларни тайёрлашга олимлар ва амалиётчи ходимлар кенгроқ жалб этилсин, уларнинг бажарилиши устидан назорат янада таъсирчан бўлишига эришилсин;

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар судлари фаолиятини назорат қилишни такомиллаштирсин, суд ишлари юзасидан шикоятлар диққат-эътибор билан тезда кўриб чиқилишини таъминласин, қонунни бузиш, асосланмаган қарорлар, ҳукмлар чиқариш, гражданларни ғайриқонуний равишда жавобгарликка тортиш ҳолларига кескин ва принципиал муносабатда бўлсин;

судлардан жиноятни ва бошқа ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни янада пухтароқ ўрганишни ҳамда бундай сабаблар ва шароитларни бартараф этиш юзасидан қонунда кўзда тутилган чораларни кўришни талаб қилсин;

суд процессларининг тарбиявий роли оширилишига, судларнинг меҳнат коллективлари ва жамоатчилик билан алоқалари кенгайтирилишига эришсин.

2. СССР Олий суди, ССР Иттифоқи прокуратураси, СССР Юстиция министрлиги ва СССР Ички ишлар министрлиги салбий тенденцияларни аниқлаш ва уларни қатъиян бартараф этиш мақсадида жиноятчиликнинг аҳволини ўрганишда баҳамжиҳат ҳаракат қилишни яхшиласинлар.

3. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари судларнинг обрў-эътиборини ошириш ва мустақиллигини кучайтиришга ҳар томонлама кўмаклашсинлар, сайлаб қўйиладиган орган сифатида суднинг ролини оширсинлар, тегишли судларнинг ҳисоботларини сессияларда мунтазам эшитиб борсинлар, судларнинг ва халқ маслаҳатчиларининг меҳнат коллективлари билан алоқасини мустаҳкамласинлар.

4. СССР Олий судининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилиш чоғида депутатлар қонунларни такомиллаштириш масалалари юзасидан билдирган танқидий мулоҳазалар ва таклифларни кўриб чиқиш ва зарур бўлган тақдирда СССР Олий Совети Президиумига тегишли таклифлар киритиш СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияларига топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 26 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР Олий Совети Президиумининг «Ўрток Г. А. Алиевни СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш ҳақида»ги Фармонини тасдиқлаш тўғрисида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Гейдар Алиевич **Алиев**нинг саломатлиги ёмонлашганлиги туфайли пенсияга чиқиши муносабати билан илтимосига кўра, уни СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1987 йил 23 октябрь Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 26 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР Олий Совети Президиумининг «СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўрток Н. В. Талызинни СССР Давлат план комитети раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Николай Владимирович **Талызин**ни СССР Давлат план комитетининг раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1988 йил 5 февраль Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 26 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР Олий Совети Президиумининг ўрток Ю. Д. Маслюковни СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва СССР Давлат план комитетининг раиси қилиб тайинлаш ҳамда уни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилиш ҳақидаги Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Юрий Дмитриевич **Маслюков**ни СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва СССР Давлат план комитетининг раиси этиб тайинлаш ҳамда уни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилиш ҳақидаги 1988 йил 5 февраль Фармонлари тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 26 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ И. С. Белоусовни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш ва уни СССР кемасозлик саноати министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги Фармонларини тасдиқлаш ҳақида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Игорь Сергеевич **Белоусов**ни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари этиб тайинлаш ва уни СССР кемасозлик саноати министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1988 йил 12 февраль Фармонлари тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 26 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР Олий Совети Президиумининг СССР Министрлар Совети составига кирувчи айрим кишиларни тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги Фармонларини тасдиқлаш ҳақида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг:

ўртоқ Владимир Иванович **Шимко**ни СССР радио саноати министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1987 йил 14 ноябрь Фармони;

СССР Давлат қурилиш комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Борис Николаевич **Ельцин**ни СССР министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1987 йил 18 ноябрь Фармони;

ўртоқ Константин Федорович **Катушев**ни СССР ташқи иқтисодий алоқалар министри этиб тайинлаш тўғрисидаги 1988 йил 15 январь Фармони;

ўртоқ Игорь Владимирович **Коксанов**ни СССР кемасозлик саноати министри қилиб тайинлаш ҳақидаги 1988 йил 20 февраль Фармони;

СССР Министрлар Советининг Давлат комиссияси раисининг ўринбосари ўртоқ Лев Борисович **Васильев**ни СССР министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1988 йил 5 март Фармони;

ўртоқ Геннадий Алексеевич **Ягодин**ни СССР Халқ таълими давлат комитетининг раиси этиб тайинлаш ҳақидаги 1988 йил 11 март Фармони;

ўртоқ Федор Трофимович **Моргун**ни СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети раиси этиб тайинлаш тўғрисидаги 1988 йил 11 март Фармони;

ўртоқ Олег Дмитриевич **Бакланов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни СССР Умумий машинасозлик министри вазифасидан озод қилиш ҳақидаги 1988 йил 25 март Фармони;

ўртоқ Виталий Хуссейнович **Догужиев**ни СССР умумий машинасозлик министри этиб тайинлаш ҳақидаги 1988 йил 25 март Фармони;

ўртоқ Михаил Иванович **Бусыгин**ни СССР ўрмон саноати министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1988 йил 28 март Фармони;

ўртоқ Александр Сергеевич **Исаев**ни СССР Давлат ўрмон комитети раиси қилиб тайинлаш ҳақидаги 1988 йил 28 март Фармони;

СССР Халқ таълими давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Феликс Иванович **Перегудов**ни СССР министри қилиб тайинлаш ҳақидаги 1988 йил 18 апрель Фармони;

СССР халқ таълими давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Владимир Дмитриевич **Шадриков**ни СССР министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1988 йил 18 апрель Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 26 май.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ СССР ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ СИСТЕМАСИДАГИ ЎЗГАРТИШЛАР ВА «СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА» СССР ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1. СССР Олий Совети Президиумининг:

«СССР Нефть маҳсулотлари таъминоти иттифоқ-республика давлат комитетини тугатиш тўғрисида»ги 1987 йил 29 декабрь Фармони;

«Мамлакатда ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантириш ишига раҳбарлик ҳақида»ги 1987 йил 29 декабрь Фармони;

«СССР Ташқи иқтисодий алоқалар умумиттифоқ министрлигини тузиш тўғрисида»ги 1988 йил 15 январь Фармони;

«СССР Табиатни муҳофаза қилиш иттифоқ-республика давлат комитетини тузиш тўғрисида»ги 1988 йил 16 январь Фармони;

«СССР Гидрометеорология ва табиий муҳитни контрол қилиш давлат комитети номини СССР Гидрометеорология давлат комитети қилиб ўзгартириш ҳақида»ги 1988 йил 16 январь Фармони;

«СССР Енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ва рўзғор асбоблари министрлигини тугатиш ҳақида»ги 1988 йил 24 февраль Фармони;

«СССР Халқ таълими иттифоқ-республика давлат комитетини тузиш тўғрисида»ги 1988 йил 5 март Фармони;

«Ўрмон хўжалиги ва ўрмон саноатини бошқаришни такомиллаштириш ҳақида»ги 1988 йил 16 март Фармони;

«СССР Бинокорлик материаллари саноати иттифоқ-республика министрлигини СССР Бинокорлик материаллари саноати умумиттифоқ министрлиги қилиб ўзгартириш ҳақида»ги 1988 йил 8 апрель Фармони тасдиқлансин.

2. Ушбу Қонуннинг биринчи моддаси муносабати билан «СССР Министрлар Совети тўғрисида» 1978 йил 5 июлда қабул қилинган СССР Қонунига (СССР Олий Советининг ведомостлари, 1978 йил, № 28, 436-модда; 1979 йил, № 49, 850-модда; 1981 йил, № 26, 839-модда; № 47, 1238-модда; 1984 йил, № 1, 17-модда; 1985 йил, № 48, 920- ва 938-моддалар; 1986 йил, № 26, 482-модда, № 35, 730-модда, № 47, 967-модда; 1987 йил № 42, 693-модда; 1988 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 23-моддага «Атом энергетикаси министрлиги» сўзларидан кейин «Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги» сўзлари қўшилсин ва «Алоқа воситалари саноати министрлиги» сўзларидан сўнг «Бинокорлик материаллари саноати министрлиги» сўзлари қўшилсин, шу моддадаги «Ташқи савдо министрлиги», «Енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ва рўзғор асбоблари министрлиги» сўзлари олиб ташлансин;

2) 24-моддадаги «Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлиги» сўзлари ўрнига «Ўрмон саноати министрлиги» сўзлари ёзилсин;

Шу моддадаги «Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги», «Бинокорлик материаллари саноати министрлиги», «Маориф министрлиги» сўзлари олиб ташлансин;

3) 25-моддадаги «СССР Гидрометеорология ва табиий муҳитни контрол қилиш давлат комитети» сўзлари «СССР Гидрометеорология давлат комитети» сўзлари билан алмаштирилсин,

Шу моддадаги «СССР Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети» сўзлари олиб ташлансин;

4) 26-моддадаги «СССР Статистика давлат комитети» сўзларидан сўнг «СССР Халқ таълими давлат комитети» ва «СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети» сўзларидан кейин «СССР табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитети» сўзлари қўшилсин,

Шу моддадаги «СССР Ўрмон хўжалиги давлат комитети» сўзлари «СССР давлат ўрмон комитети» сўзлари билан алмаштирилсин,

Шу моддадаги «СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети», «СССР нефть маҳсулотлари таъминоти давлат комитети» сўзлари олиб ташлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1988 йил 26 май.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ СССР ҚОНУН АКТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

СССР Олий Совети Президиумининг:

«Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида» СССР Қонуни муносабати билан СССРнинг баъзи Қонун актларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1987 йил 2 декабрь Фармони;

«Колхозларнинг аъзолари ва уларнинг оилалари пенсия таъминотини янада яхшилаш тўғрисида»ги 1987 йил 3 декабрь Фармони;

«СССР савдо-саноат палатаси ҳузуридаги арбитраж суди тўғрисида»ги 1987 йил 14 декабрь Фармони;

«СССРда Давлат арбитражи тўғрисида» СССР Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1987 йил 30 декабрь Фармони;

СССР Олий Совети Президиумининг «Балоғатга етмаганлар ишлари юзасидан инспекциялар, балоғатга етмаганлар учун қабул қилиш-тасдиқлаш хоналари ҳамда балоғатга етмаганларнинг қаровсиз қолиши ва ҳуқуқ бузишларининг олдини олиш махсус таълим-тарбия муассасаларининг асосий вазифалари ва ҳуқуқлари тўғрисида»ги Фармонига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1988 йил 5 январь Фармони;

«Психиатрия ёрдами кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1988 йил 5 январь Фармони;

«СССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда совет милициясининг асосий вазифалари ва ҳуқуқлари» тўғрисидаги Фармонига баъзи қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1988 йил 7 январь Фармони;

«Мансабдор шахсларнинг гражданлар ҳуқуқларини камситувчи ғайриқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш тартиби тўғрисида» СССР Қонуни муносабати билан СССРнинг баъзи Қонун актларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги 1988 йил 7 январь Фармони;

«Пневмокониоз касб касаллигига учраш оқибатида ишчилар ва хизматчиларга етган зарарни қоплаш тартиби тўғрисида»ги 1988 йил 29 январь Фармони;

«СССР Олий Совети Президиумининг «Гражданлар таклифлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Фармонига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1988 йил 2 февраль Фармони;

«ССР Иттифоқи Қонунларига экономикани бошқаришни қайта қуриш билан боғлиқ бўлган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1988 йил 4 февраль Фармони;

СССР Олий Совети Президиумининг «Гражданларнинг хусусий уй-жойларни сотиб олиш ва қуриш ҳуқуқи тўғрисида»ги Фармони ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг «СССРнинг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига доир баъзи қонун актларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Фармонининг 1-моддаси ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблаш ҳақида»ги 1988 йил 22 февраль Фармони;

«СССР Олий Совети Президиумининг «СССР территориясида валюта бойликлари хусусида ўзаро келишиш тўғрисида»ги Фармонига ўзгартишлар киритиш ҳақида 1988 йил 25 февраль Фармони;

«Радиоактив материаллар билан ғайриқонуний ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги 1988 йил 3 март Фармони;

«Ташқи иқтисодий фаолият такомиллаштирилиши муносабати билан СССРнинг баъзи Қонун актларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1988 йил 17 март Фармони;

«Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмларнинг эгаларига солиқ солиш тўғрисида»ги 1988 йил 21 март Фармони;

«Колхозлар, совхозлар, саноат, транспорт, қурилиш корхоналари ва бошқа корхоналар ҳамда хўжалик ташкилотларининг маблағидан автомобиль йўллари қуриш ва ремонт қилишга ажратмалар тўғрисида»ги 1988 йил 21 март Фармони;

«Меҳнат тўғрисида СССРнинг баъзи Қонун актларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1988 йил 29 март Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. ГРОМИКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль,
1988 йил 26 май.

Уй-жой қурилиши муаммолари

ТАЛАБ ВА ИМКОНИЯТ

Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш юзасидан самарали тадбирларни амалга ошираётганликлари ҳаммамизга маълум. 2000 йилгача ҳар бир оилани уй-жой ва алоҳида квартира билан таъминлашга қаратилган кенг истиқбол программаси асосида ҳозир ҳамма жойда қурилиш ишлари авж олдирилмоқда. Қишлоқ Совети ижроия комитети, 63 нафар депутатларимиз партия режаларини рўёбга чиқариш йўлида астойдил олға интилмоқдалар. Бу ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Зеро эндиликда қишлоқ турмуш маданиятини юксалтириш, инсон омилини олдинги ўринга қўйиш ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда. Деҳқончилик ва чорвачиликда юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан мана шунга боғлиқ.

Қишлоқ Советимизга қарашли «Ленинград», «Ильич 100 йиллиги» колхозларида 18 та қишлоқ, 1.057 та хонадон бўлиб, уларда жами 5.723 киши истиқомат қилади. Аҳоли кўпайган сари эҳтиёжлар ҳам ўсиб бормоқда. Фикримизнинг исботи учун қуйидаги далилни келтириб ўтиш мумкин: ҳозирги кунда ҳар икки хўжаликда мавжуд уй-жой майдони 47 минг 467 квадрат метрни, киши жон бошига ўртача 8 квадрат метрни ташкил этади. Норма бўйича эса 10 квадрат метр бўлиши лозим. Шу боисдан ер участкаси сўраб берилаётган аризалар оқими тўхтамаяпти.

Биз колхоз правлениелари билан бамаслаҳат иш тутиб, ҳар бир талабни имкони борича ҳал қилишга интилаяпмиз. Чунончи, 1987 йилда 84 та, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 20 та оилага уй қуришга рухсат берилди. Яқин келажакда барча қишлоқларни бош план асосида марказлаштириш, баъзиларини эса ўз жойида қайта тамирлаб замонавий посёлкага айлантириш мўлжалланмоқда. Бу борадаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Ҳозирги кунда Халач, Ҳошимхўжа, Ниёзхўжа, Латифсобунгар каби посёлкалар жадал қад кўтараяпти. Ҳар йили бир неча оила ҳовли тўйлари ўтказмоқда. Қишлоқларни марказлаштириш туфайли газ, водопровод тармоқларини кенгайтиришда катта имкониятлар туғилаяпти.

Тажриба шуни кўрсатдики, якка тартибда уй қуришни авж олдириш муаммони ҳал этишнинг қулай ва самарали усулидир. Энг муҳими бунда вақтдан ютилади. Кўплаб қишлоқ меҳнаткашлари ҳозир ана шу имкониятлардан фойдаланиб, ўзларининг уй-жой шароитларини яхшилаб олмоқдалар. Уларга қурилиш материалларидан ёрдам кўрсатилмоқда. Қишлоқ Советида талон системаси жорий этилган. Якка тартибда уй қурувчилар бу талон орқали райондаги тегишли магазиндан зарур қурилиш материалларини сотиб олишлари мумкин. Масалан Нурмурод Эргашев. Карим Бўронов, Олим Рўзиев, Ҳабиб Маллаев, Саъдулло Файзиевларга шу тариқа ёрдам кўрсатилиб, улар ўз вақтида цемент, ганч, ёғоч, қалама, оҳак ва фанер билан таъминландилар.

Якка тартибда уй қурувчилар қатор имтиёз ва енгилликлардан баҳраманд бўлмоқдалар. Айниқса давлат томонидан узоқ муддатли қарз бериш тартибининг жорий этилганлиги айни муддао бўлди. Бу меҳнат кишисига кўрсатилаётган юксак ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Биз уй-жойга муҳтож оилаларнинг иқтисодий шарт-шароитини ўрганиб, 18 кишини давлатдан қарз олишга тавсия этдик.

Юксак турмуш маданияти учун курашда депутатларимизнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Н. Жунаидов, Ҳ. Олимов, Р. Илёсова, А. Қудратов, Ҳ. Ражабов каби эл хизматкорлари ўз бурчларига масъулият билан ёндашиб, уй-жой қурилишини авж олдиришда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Бироқ мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Қарорлар ижроси устидан назорат унутиб қўйилган. Уй-жой қурилиши билан боғлиқ масалалар қишлоқ Совети сессиялари ва ижроком мажлисларида камдан-кам муҳокама қилинади. Кишилар ер участкаси олиш учун икки-уч йиллаб навбат кутмоқдалар. Бизга маълум бўлишича, колхоз правлениеларининг тегишли қарори чиққанига қарамай 40 нафар оила ҳалигача ер билан таъминланмаган. Ваҳоланки юқорида номлари тилга олинган Халач, Ниёзхўжа, Ҳошимхўжа ва Латифсобунгар посёлкалари бағрида яна ўнлаб хонадонларни жойлаштириш учун имконият бор. Чунки ҳар бири 100—200 оилага мўлжалланган бу посёлкалар ҳали тўла қуриб битказилмаган.

Кўринадики, қурилиш муаммоси ер муаммосига бориб тақалаяпти. Бизни энг кўп қийнаётгани ҳам шу. Суғориладиган экин майдонлари бундан мустасно, албатта. Чунки улар ишлаб чиқариш планига киритилган. Лекин булар баҳона бўлолмайди. Биз ички имкониятларни излаб топишимиз, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш йўлида барча чораларни кўришимиз лозим.

Ю. РУЗИЕВ,
Вобкент районидаги Халач қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси.

БУГУН — ХИМИКЛАР КУНИ



Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институти олимлари ўз анъанавий байрамларини муносиб ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Кимёгарлар лабораторияларида ҳал бўлаётган кўплаб илмий ечинмалар халқ хўжалигига кенг тадбиқ этилаётир.

СУРАТДА: химия технология лабораторияси мудири, техника фанлари кандидати Наби Хўжахонов шогирди Марҳамат Раҳматуллаева билан.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.

Озиқ-овқат программаси бўғинлари

Боғлар саховати ошади

«ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЗАРУР. ШУНГА ЭРИШМОҚ КЕРАККИ, СУҒОРИЛАДИГАН ҲАР ГЕКТАР МАЙДОНДАН КАМИДА 70—80 ЦЕНТНЕР МЕВА, 100 ЦЕНТНЕР УЗУМ ОЛИНАДИГАН БЎЛСИН. БУ ИШДА ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ, ИНТИЗОМ, ЕРГА НИСБАТАН СОҲИБЛИК ҲИССИ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА. ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ ТАҚДИРИ ҲАР БИРИМИЗГА БОҒЛИҚ ЭКАНЛИГИНИ УНУТМАЙЛИК».

(Ўзбекистон агросаноат комплекси ходимлари қурултойи қатнашчиларининг колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, республика агросаноат комплекси барча меҳнаткашларига мурожаатномасидан).

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Совхозимиз меҳнаткашларининг руҳи тетик, иштиёқи баланд. Улар Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси бўладиган йилда эл дастурхонига 1.430 тонна мева, 1.311 тонна узум тортиқ этиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Сабаби аён: аввало ўтган йилги қолоқлик доғини ювиш керак, иккинчидан, қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш жараёни янги босқичга кирган паллада сўз ва иш бирлигини таъминлаш ҳар қачонгидан муҳим. Бунда албатта, республика агросаноат комплекси ходимлари қурултойи қатнашчиларининг мурожаатномасида таъкидланганидек, юксак масъулият, интизом, ерга нисбатан соҳиблик ҳисси катта аҳамиятга эга. Булар эътиборимизда турибди.

Хусусан мавжуд токлар кузда агротехника талаблари асосида кесилиб сифатли кўмилди. Қишда қатор оралари чуқур юмшатилиб, органик ва минерал ўғитлар солинди. Мевали дарахтларга шакл бериш, чилла сувига қондириш маромида ўтказилди. Ариқ-зовурлар тартибга келтирилди. Кўплаб миқдорда маҳаллий ўғит жамғарилди. Баҳор келиши биланоқ эса токлар очилиб, олдиндан тайёрланган симбағазларга кўтарилди. Жами майдонга кимёвий ишлов берилди.

Дастурхонимизни ўрик, шафтоли, гилос каби боғ неъматларисиз тасаввур эта олмаймиз. Булар нафақат дастурхон кўрки, балки шифобахшлик хусусиятларига ҳам эга. Масалан, ўрик ва шафтоли таркибида 15—20 процент қанд, 0,5—1 процент кислота бор. Ўрик мағзида 50—60 процент мой, 25 процент оқсил учрайди. Туршак, баргак таърифига эса сўз йўқ. Бундан ташқари, данакли мевалар консерва саноати учун ҳам муҳим хом ашё ҳисобланади. Уларни қайта ишлаб, компот, мураббо, повидло, мармелад тайёрланади. Шу боисдан биз данакли мева боғларини кўпайтиришга алоҳида эътибор бераяпмиз. Кўклам бошида 15 гектар майдонга 10 минг туп ниҳол ўтказилди. Ҳозир ҳаммаси тутиб, кунда бир яшнамоқда.

Имконият излаганга топилади. Буни Муҳаммаджон Холмирзаев, Олимжон Толипов, Муқаддасхон Мўминова, Аҳмадали Раҳмонов, Нуъмонжон Деҳқонов, Раҳимжон Эгамбердиев бошлиқ илғор бригадаларнинг тажрибаси мисолида кўриб турибмиз. Бироқ ечимини кутаётган қатор муаммолар борки, уларни ҳал этмасдан мўлжалдаги ҳосилни олиш қийин. Биринчидан, мева ва узум навлари бугунги талабга жавоб бермайди. Иккинчидан, симбағаз учун материаллар етишмаяпти. Учинчидан, сув таъминоти яхши эмас.

Қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, мутасадди ташкилотлар ана шу камчиликларга барҳам беришда ёрдам берсалар, биз илм-фан тавсиялари, илғорлар тажрибасини қўллаган ҳолда боғ ва токзорлар саховатини йил сайин ошираверамиз.

М. КЕНЖАЕВ,
Ўзбекистон районидаги «Ўзбекистон» боғ-узумчилик совхозининг бош агрономи.

АДИР ЧИРОЙИ

Туркистон тизма тоғлари этагидаги адирда яқин-яқингача ёввойи гиёҳлардан бошқа ҳеч вақо ўсмасди. Бу ерда боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган «Партия XXVI съезди» совхози ташкил этилгач, манзара бутунлай ўзгарди: ҳозир 350 гектар майдонда мевали дарахтлар ва токлар шовиллаб турибди.

— Халқнинг ўрик, шафтоли, гилос каби меваларга эҳтиёжи йил сайин ортиб бораяпти, — дейди Киров районидаги мазкур совхоз директори, Ленин ордени соҳиби Абдуллажон Маҳкамов. — Шу мақсадда эрта баҳорда 50 гектар ерни ўзлаштириб, янги боғ бунёд этдик. Эскилари янги ниҳоллар ҳисобига тўлдирилди. Жами кўчат тўлиқ амал олди.

Меҳнат аҳли жорий йилда эл дастурхонига 432 тонна мева, 208 тонна узум ҳадя этади. Бунга мустаҳкам тамал қўйилаяпти. Мевали дарахтларга шакл бериш, токларни очиш, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш агротехника қоидалари асосида ўтказилди. Шу кеча-кундузда қатор оралари юмшатилиб, озиқлантирилиб оби ҳаётга қондирилмоқда. Мусобақада Нуъмонжон Усмонов, Абдусаттор Раҳимов, Камолиддин Исомиддинов бошлиқ бригадалар пешқадам.

У. ҚУРБОНОВ.

ҲОСИЛ ШИҒИЛ

Сирдарё районидаги «Правда» колхозининг боғбону соҳибкорлари Озиқ-овқат программаси ижросига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ўтган йили шаҳарликларга 54 тонна ўрнига 69,1 тонна мева, 60 тонна ўрнига 73,8 тонна узум инъом этилди. Улар бу йил боғ ва токзорлар саховатини янада оширишга азму қарор қилишган. Шу ниятда ҳамма бир ёқадан бош чиқариб астойдил ишлаяпти.

Кузги-қишки тадбирлар намунали ўтказилган, ҳозирги юмушлар диққат марказида турганлиги туфайли мевали дарахтларда ҳосил шиғил. Уни сақлаб қолиш, тезроқ етилтириш мақсадида боғбонлар қатор ораларини маромида озиқлантириб обитобида суғормоқдалар. Бу юмушларда У. Қодиров, Б. Абдураҳмонов ва бошқалар алоҳида ибрат кўрсатишаяпти.

— Боғ ва токзорларни кенгайтириш ҳам эътиборимизда турибди, — дейди бригада бошлиғи Н. Алиев. — Кўклам бошида 3 минг туп мевали дарахт кўчати, 8 минг дона узум ниҳоли ўтқазилди. Ҳаммаси тутиб, баравж ўсмоқда.

Правление ва партия комитети боғбону соҳибкорларнинг унумли меҳнат қилишлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун бутун чораларни кўришмоқда. Мусобақа ғолиблари ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилаяпти. Дала шийпони яхши жиҳозланган.

У. МУҲАМЕДОВ.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ЧИТА. Забайкалье деҳқонлари бепоён чўл бағрида иш бошлаб юбордилар. Баҳорнинг инжиқ келиши ва қаттиқ қурғоқчилик механизаторлардан янада омилкорлик билан ишлашни талаб этади. Областдаги деҳқончилик қилинадиган ерларнинг 90 процентга яқинини парваришлаётган пудрат звенолари ва отрядларининг тўла мустақиллиги техникадан янада унумлироқ фойдаланиш ҳамда тупроқнинг етилишини ўз вақтида кузатиш имконини беради. Зудлик билан намни сақлаб қолиш шу куннинг асосий вазифасидир.

●

ВОЛОГДА. Шаҳарда «Феникс» халқ санъати студияси қатнашчилари асарларининг кўргазмаси очилди. Череповецлик ташаббускорлар Россия шимолидаги мавжуд миллий ҳунармандчиликнинг барча турларига қизиқадилар. Улар узоқ қишлоқлар бўйлаб жуда кўп марта экспедицияларда бўлдилар. Ана шу экспедициялар чоғида студия музейи учун ҳунарманд усталар ижодиёти намуналарини тўпладилар. Шунинг учун ҳам музей коллекцияларидан ёғоч кунгирадор қилиб ишланган панжаралар, пўстлоқдан тайёрланган нафис қутичалар, қўлда тўқилган ранго-ранг палослар ўрин олган. Студия шаҳарда саноат тинимсиз ривожланаётган шароитда ҳам халқ санъати ўз аҳамиятини сақлаб қолаётганлигини муваффақиятли тарзда исботламоқда.

●

НОВГОРОД. Новгород область корхоналарининг ишчилари фақат харидоргир моллар ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар. Бу ишда уларга «Новгородец» магазини ёрдам беради. Магазин шаҳарнинг ғарбий турар-жой районида очилди. 50 дан ортиқ корхона бу ерга халқ истеъмол моллари етказиб бермоқда. Сотувчилар харидорлар эҳтиёжини доимо ўрганиб борадилар, намойишлар залида келгусида ишлаб чиқариладиган буюмлар билан танишишлари мумкин.

●

ҚИЗИЛ. Туванинг Оқдовурак шаҳрида қурилган тикувчилик-трикотаж фабрикасида дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилди. Янги корхонанинг қуввати автоном республика аҳолисининг спорт кийимларига ва бошқа трикотаж буюмларга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради. Бундан ташқари фабрика муҳим социал муаммони ҳал этишга шаҳарда жойлашган «Тува асбест» кончилари ва кон бойитувчиларнинг рафиқаларини, қизлари ва опа-сингилларини иш билан таъминлашга ёрдам беради.

●

САРАТОВ. Волжскдаги қадимий Синенькие қишлоғи аҳолиси ўзларини экранда кўрдилар. Маҳаллий маданият уйида совхоз ишчиси Е. Коновалов суратга олган ҳужжатли фильм премьераси бўлди. Бу кинолавҳалар ўз асарида ҳамқишлоқлари кундалик ҳаётини уларнинг дала ва фермалардаги ишларини акс эттирган. Бу фильм қишлоқда анъанавий қоладиган маданият кунлари программасига киритилган.

(ТАСС).

Шуҳрат таваллудининг 70 йиллигига

ОЛТИН ЗАНГЛАМАС



Ёниқ қалбли сўз санъаткори Шуҳрат бир суҳбатда ҳақиқат, ҳаёт мазмуни, одиллик ҳақида шундай дейди:

— «Ҳақиқатга тик туриб, рост сўзни айтиб яшашга интилганим сари мен ўзлигимни топа бордим ва у ҳаётим мазмунига айланди. Кейинроқ эса шеър бўлиб қоғозга тушди. Дарҳақиқат, кимки, фалончи одил одам деган номга сазовор экан, у бахтлидир. Дунёга келиб бу номни ололмай кетганлар қанча ахир!» Адиб ўз фикрини яна давом эттириб таъкидлайди: «Адабиётга нима мақсадда кириб келганингизни, адабиёт курашдан иборат эканини унутмаслик лозим. Адабиётга шиддат ва ишонч билан астойдил кирган, ҳақиқатни, ҳақиқатни ва фақат ҳақиқатни айтаман ва ёзаман деган одамгина ёзувчи деган шарафли номга лойиқ бўла олади».

Ҳақиқат, одиллик ва эзгулик учун курашда рост сўзни айта олиш ҳар бир инсондан, хусусан, руҳият билимдони бўлмиш ижодкордан бемисил мардликни ва фидойиликни талаб этади. Бу ижодий, ғоявий-эстетик шартларни Шуҳратнинг назм ва насрдаги асарларида аниқ кўрамиз. Ижодини шеърлар ёзишдан бошлаган ва китобхонлар орасида лирик шоир сифатида танилган Шуҳрат «Ҳаёт нафаси», «Қардошлар» сингари дастлабки шеърлар тўпламларидан бошлаб, «Шинелли йиллар дафтари», «Дунай соҳиллари», «Кавказ дафтари», «Қиз табассуми» каби туркумларида, «Мангулик», «Ленин ҳақида баллада», «Чол», «Буюк муҳаббат», «Олий ҳиммат», «Мардлик афсонаси», «Она ва фарзанд» тарзидаги йигирмадан зиёд балладаларида, «Орзу ва қасос» типидаги достонларида ҳам ана шу ғоявий-бадиий йўналишга содиқ қолди.

Шоир тинчлик, Ватан, дўстлик, севги, вафо ва фироқ мавзуларидаги шеърларида лирик қаҳрамоннинг ички ҳиссиётларини таҳлил этади, қувончларини, қайғуларини, ҳаяжонларини майин оҳангларда ва ҳаётий қилиб чизади. Унинг шеърларидаги воқеабандлик хусусиятлари, айниқса туркум асарларида янада жонланади. «Шинелли йиллар дафтари» туркумидаги поэтик асарлардаги садоқат, висол, севги мавзулари лирик қаҳрамоннинг реалистик ва романтик саргузаштлари таъсвирида гражданлик ва маънавий-ахлоқий проблемалар кўтарилади. Лирик сюжетга асосланиш, воқеабандлик, эпиклик элементлари туркумдаги шеърларнинг яхлитлигини, фалсафий ва сиёсий фикрларнинг теранлигини, таъсирчанлигини таъминлайди. Шуҳрат шеъриятидаги қувноқлик, илиқлик, эҳтиросли ташбеҳлар, жажжи карталар яратиш, ёшликни қўмсаш оҳанглари романтик жўшқинликлар билан қўшилиб, чуқур маъно касб этади.

Шуҳрат афсонавий қаҳрамон Тўмарис, улуғ украин шоири Тарас Шевченко, араб ва француз қизлари Жамила ва Раймонда ҳақидаги балладаларида инсон қалбини ва руҳиятини таҳлил этади, эл фидойиларининг ҳақиқат, тенглик ва бахт учун курашларини ҳаққоний гавдалантиради.

Ҳаёт синовларида чиниққан жангчи-шоирнинг ижоди янги-янги насрий эпик асарлар билан бойиди. «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас», «Жаннат қидирганлар» сингари романларида ижтимоий бурчни англаш, инсон характерини, дунёқарашини, ҳаётининг муҳим нуқталарини тадқиқ этиш биринчи планга чиқди. Агар «Шинелли йиллар» романида, асосан, кўпмиллатли совет халқининг Улуғ Ватан уруши давридаги миллий ғурури, қаҳрамонлиги, интернационализм, фашизм қонхўрларига нафрати Элмурод, Турдиев образларида турли саргузаштларда, зиддиятларда, фожиавий ҳолатларда романтик, реалистик тасвирланган бўлса, «Олтин зангламас» романида Содиқ, Диловархўжа, Чуханов ўрталаридаги оилавий ва ижтимоий ҳаёт жараёнларидаги тўқнашувларда содир бўлган синфий курашнинг ўткир, драматик ҳолатлари ўттизинчи йиллар ва Улуғ Ватан уруши даври ҳаётидан олинган характерли лавҳаларда акс эттирилди. «Жаннат қидирганлар» романида эса сюжет чизиғини ва конфликтини ташкил этган воқеалар Умматали, Азимхўжаев, Абулбарака сингари ижобий образлар ҳамда Саидакбарҳожи, Қоплонбек каби салбий типлар ўртасида юзага чиқади. Ҳар учала асарда ҳақиқатга тик боқиш, ҳақ ишни тан олиш ва уни қарор топтириш учун кураш, ҳар қандай шароитда ҳам адолатни ҳимоя қилиш, ҳалол луқмага ўрганиш ва виждонни сотмаслик, яхшилик ва эзгулик йўлида шиддатни сақлаш ва собит туриш, ғоявий муҳолифлар туғдирган ғаразли азиятларни мардона енгиб ўтишга даъват, рост сўздан чекинмаслик адолат тантанаси ва бахт калити рамзи сифатида талқин этилади. Ана шу ягона ғоявий-эстетик ғоя ўзларининг ранго-ранг, индивидуал характерларига эга бўлган бош қаҳрамонлар Элмурод, Содиқ ва Умматали образларида мужассамлашади. Шуҳрат ўзининг биринчи романидаёқ ҳақиқатга, одилликка зид бўлган мансабпарастликни, худбинлик, шуҳратпарастликни ижтимоий касофат, хавфли иллат сифатида қоралади, худбинона «иззат-ҳурмат талабчилари»ни заҳархандалик билан фош этди. Элмуроднинг Мурзинга айтган: «Сенинг жиндек ишингни ҳам кўкка кўтариб мақтасалар, кўз-кўз қилсалар, минбарга таклиф қилсалар, учрашувлар ўтказсалар, газетада суратларинг чиқса, номингни қуюқ ўқлоғдай йўғон ҳарфлар билан ёзсалар. Сен шуни унутма! Биз шуҳрат учун яшамаймиз, бу учун яшаш керак эмас. Биз виждон бурчини ўтасак бас», деган кескир сўзлари ҳозирги қайта қуриш, жамиятни демократлаштириш соҳасида амалга оширилаётган, инсон омили кучайтираётган жараёнлар руҳига мос ва нақадар ҳамоҳанг эканлигини эслатиш кифоя.

Ёзувчи шуҳратпарастлик, мансабпарастликни қоралаб, виждоний бурч, пок яшашни улардан устун қўяди, «шуҳрат сенинг ишингдан келиб чиқсин», деган ғоявий маслакни тарғиб этади. Адибнинг ана шу ғоявий-эстетик нияти бундан йигирма йил муқаддам битилган ва умумсовет адабиётида биринчи марта шахсга сиғиниш оқибатини, фожиасини фош қилган ҳамда Москва жамоатчилигининг илиқ баҳосини олган «Олтин зангламас» романи бош қаҳрамони Содиқ тақдирида алоҳида куч билан акс эттирилди. Содиқ синфий душманларга нисбатан муросасиз, изчил курашувчи шахс. Унинг ҳаётидаги чигалликлар, таҳликали онлар, шахсий ва ижтимоий фаолиятидаги зиддиятлар ўттизинчи йиллардаги мураккаб сиёсий, тарихий вазиятнинг, қувғинлар натижаси ўлароқ воқе бўлди. Ижодкор олисни кўра билди. У худбин Мирсалимнинг иғвогарлиги, туҳмати натижасида азият чеккан Содиқнинг иродаси букилмаганлигини, аксинча адолат ва ҳақиқатнинг тантанаси учун курашиб, ғолиб бўлганлигини рўйи-рост тасвирлади. Романда характернинг тобланишида оилавий ва ижтимоий муҳитнинг таъсири ҳаққоний кўрсатилган. Имон, эътиқод, ишончнинг реаллиги, мангулиги бош қаҳрамон Содиқ образи воситасида улуғланди. Асарда совет кишиларининг эътиқоди олтинга тенгланади, унинг ҳаётийлиги, яшловчанлиги «зангламас» деган тавсифда ифодаланади. Бунинг зидди — иғвогарлик, туҳмат ва сотқинлик драматик воқеаларда фош этилади. Юртга эътиқод, имонни авайлаш, ҳақиқат ва бахт мотивлари Шуҳратнинг «Жаннат қидирганлар» романидаги Умматали ва Абулбарака образлари мазмунига ҳам сингдирилган. Унда, гарчи сотқин ватангадоларнинг бегона юртлардаги фожеали қисматлари, Умматали сингари совет кишиларининг социалистик меҳнат қучоғидаги порлоқ тақдирлари ўзаро қиёсий бадиий-эстетик таҳлилда берилган бўлса-да, мазкур асарда ҳам амалпарастликка, шуҳратпарастликка интилувчи Аъзам сингари кимсаларнинг кирдикорлари беаёв қораланади. Унинг маънавий қиёфасининг чиркинлиги ота-она, эл-юртдан кечганлиги, нонтепкилиги, оқпадарлиги мисолида янада конкретлашади. Ёзувчининг бундай кимсалар устидан чиқарган ҳукми аниқ: улар халқ ғазабига учрайдилар, эл назаридан қоладилар, адолат ва ҳақиқатнинг бундай муртадлар устидан қаҳқаҳаси абадий жаранглайди.

Шуҳратнинг шеърлари, балладалари, поэмалари, ҳикоялари, қиссалари, пьесалари, романларидаги ватанпарварлик, гражданлик ва гуманизм пафоси унинг болалар ва ўсмирларга мўлжалланган асарларида ҳам ривожлантирилади. «Етим бошин силаганлар», «Араб боласининг қувончи», «Ихлос», «Ҳеч ким йўқ, пан офицер», «Солдат ва қуш» ҳикояларида, «Яхши ниятли киши» ва айниқса «Чанқоқлик» қиссасида мазкур ғоявий-бадиий мотив ўзига хос оҳанг касб этди. Ёзувчи «Чанқоқлик» қиссасида Роман исмли бола образини яратар экан, Улуғ Ватан уруши даври зиддиятлари асосида фашистларнинг Украинадаги бедодликларини бола қисмати орқали кўрсатган. Қиссада Шуҳрат бегуноҳ бола фожиасини реалистик ифодалаш воситасида фашист газандаларига қарши оддий кишилар онгида қаҳр-ғазабнинг ўт олганини таъкидлайди. Ҳақиқат ва адолат қарор топган социализм шароитидагина эзгу ниятларнинг воқеликка айланиши муқаррарлигига урғу берилади.

Шуҳрат асарларидаги инсоний туйғуларнинг эъзозланиши, ҳақиқат, адолат, курашувчанлик учун даъват руҳи ёш авлодни гражданлик, гуманизм, интернационализм, бунёдкорлик, кенгфеъллик руҳида тарбиялашга хизмат этади. Ижодкор адабиётимизнинг гуркираяжак эртанги тонгига тийрак идрок ва порлоқ кўз билан қарайди. Бунда ўзининг ҳам улуши, Муҳаммад Али, Ойдин Ҳожиева, Усмон Азимов, Муҳаммад Солиҳ каби тақдирлари нур тўла шогирдлари борлигидан беҳад бахтиёр. Биз бугун ижодкорнинг мунаввар етмиш баҳори, саодатли умри билан кутлаймиз!

Мамасодиқ ҲУСАИНОВ,
филология фанлари кандидати.

ШУҲРАТ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

АҚЛ ВА ИДРОК

Юрагингда бахтинг бўлмаса,
Тилларингда унинг қўшиғи,
Сенинг ниманг элнинг ошиғи,
Нимaнг бўлди ибрат, андоза.
Йўлга. чиқсанг, уфқинг бўлмаса,
Ўтолмаса довонма-довон,
Нечун бўлсин йўлларинг равон,
Ва сафаринг аталсин маза!
Юрагингга солгин-чи, қулоқ,
Нима дея янграйди садо:
Ёки дерми ниятинг чўлоқ,
Ақлим эса бермайди нидо!
Юрагингга қулоқ сол яхши,
Ақлингга қўш дилинг армонин.
Ақл билан яшаган киши,
Юрагидан олсин дармонин!
Шунда бахтга тўлади юрак,
Ва ақлингга бўлади тирак.
Ақл учун зарурдир юрак,
Юрак учун ақл ҳам керак!!

ЕРНИНГ ТАЛАНТИ

Жанг ўтди. Ер юзин куйдирди олов,
Дедимки, қолмади тирик илдиз ҳам!
Илк баҳор келганда кўтариб ялов
Қайтадан майсага чўлғанди далам!
Қайтадан барқ урди яна гул-чечак,
Саҳардан шарбатин эмар болари.
Қайтадан қошига келди капалак,
Урушдан из қолмас кун ўтган сари.
Бунчалар фидокор бўлмасанг, ерим,
Бунчалар ижодкор бўлмасанг, ерим!
Шунчалар азобни кечириб бошдан
Чечакка бурканиб кулмасанг, ерим!
Чиндан ҳам сахийсан,
Чиндан ҳам танти,
Сенда бор энг буюк шоир таланти!!

* * *

Мен туғилдим айни пайтида,
Дунё мени олди қаршилаб,
Гоҳ кўтариб юмшоқ кафтида,
Гоҳ югурди тишида тишлаб.
Ўтга отди дунё ногоҳон,
Ўтдан чиқдим омон ва ғолиб.
Талвасада ҳали ҳам жаҳон,
Ҳамон яшар ташвишда ёниб!
Дунё яшар кўзини боғлаб,
Шу дунёда мен ҳам юрибман.
Дунё мени севар ардоқлаб,
Мен дунёни асраб турибман!

Бир хат изидан

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ УЙҒУН БЎЛСА...

Редакция Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Нортожи Шерқуловна Худойқуловадан илтимоснома олди. Халқ вакили унда ўз округига қарашли Пайариқ районининг Наволи, Шўртепа, Маҳалла, Гулистон, Кўрмулла қишлоқлари аҳолисидан кўплаб ариза ва шикоятлар тушгани, уларни ижобий ҳал қилиш учун кўп жойларга мурожаат этгани, бироқ тегишли жавоб ололмаётганини билдириб, аҳоли талаб ва мақсадини рўёбга чиқаришда газетадан ёрдам сўраганди. Бундан ташқари муаллиф меҳнаткашлардан тушган аризалардан бирини ҳам илтимосномага илова қилганди:

«Биз яшаб турган жой — Самарқанд область Пайариқ районининг Наволи, Шўртепа, Кўрмулла, Гулистон, Маҳалла қишлоқларида мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шу территориядаги ягона маданият ўчоғи бўлган мактабда ҳам дарсхоналар етишмайди, спорт зали, ошхона, клуб йўқ, телефон, радио, водопровод ҳам. Сизга мурожаат қилишимиздан мақсад — лоақал бош планда кўрсатилган жойдан ўғил-қизларимиз учун боғча қурилишига ёрдам берсаларингиз...

... Ишдан кейин ҳордиқ чиқарадиган на бир макон, на бошқа шароитимиз бор. Биз булар тўғрисида область миқёсида мурожаат қилмаган жойимиз қолмади. Атрофимиздаги қўшни хўжаликлар барча қулайликларга эга. Бизда эса...

... 1978 йили Димитров номли ва қўшни «Ўзбекистон» колхозлари бирлаштирилиб, Димитров номли совхоз ташкил этилганди. Биз яшайдиган 5-бўлимда хўжаликлараро бўрдоқичилик пункти бор. Совхоз дирекциясига мурожаат қилсак «Сизлар пунктга қарайсизлар», пунктга борсак, «Совхозга қарайсизлар» — деб жавоб беришарди. Шу сабабли бирорта ҳам қурилиш бўлгани йўқ.

1987 йил январидан бошлаб қишлоқларимиз пункт ихтиёрида қолди. Бу корхонанинг райондаги бир талай хўжаликларидан миллионлаб қарзи бор экан — бизга бирор нарса қуриб бера оладиганга ўхшамайди.

Уруш ва меҳнат ветеранлари, қаҳрамон оналар. Жами 12 имзо».

Шу боис йўлга тушдик...

Димитров номли совхоз 1978 йил охирида ташкил этилган. Хўжаликлараро бўрдоқичилик пункти мазкур хўжаликка қўшни. Унинг 465 гектар экин майдони ҳам бор. Номлари юқорида келтирилган қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳолининг деярли ҳаммаси чорвачилик корхонаси ва унга қарашли далада меҳнат қилади. Ҳақиқатан ҳам қишлоқлар аҳволи мактубда тасвирланганидек. Хўш, нега шу кунга қадар бу ерда меҳнаткашлар учун зарур маданий-маиший шароит яратилмади? Жавоб тайин: бу қишлоқларнинг салкам ўн йил райондаги хўжаликлараро бўрдоқичилик пункти билан Димитров номли совхоз ўртасида аро сарсон бўлгани, «Бизнинг қишлоқларимиз ҳам фалон нарсага эга бўладими?» — деб мурожаат этганларга хўжалик ва корхона раҳбарлари муттасил бор отангга, бор онангга, қабилида жавоб беришавериб, одамлар турмушидаги реал камчиликларга бефарқ қарашганидир. Шулар сабаб Гулистон қишлоғидан бўлак биронтасида ҳам бугунга қадар бош план йўқ. Шундай бўлгач, бирор бино барпо этиш ҳақида қандай гап юритиш мумкин? Гулистон қишлоғи бош планида кўрсатилган ерда боғча қурилиши лозим. Бунинг ҳам қачон бошланиши номаълум. Нега дерсиз?

Чорвачилик корхонаси томон йўл олдик. Идорага киришимиз билан димоғимизга бадбўй ҳид урилди. Катакдек тор хоналардан бирига кириб суҳбат қурдик. Бироқ хонанинг нотоза ҳавосидан кўнглимиз беҳузур бўла бошлади. Гапнинг қолганини кўчада давом эттиришга тўғри келди. Кейин билсак, биз кирган жой аслида моллар чўмилтириладиган бўлим бўлиб, ундан ҳозир идора сифатида фойдаланилаётган экан.

— Янги идора биноси қуриш учун лойиҳа тайёр, бироқ пул йўқ, — деди ҳисобчи Ш. Нурмонов.

Ҳа, ҳаммаси шунга келиб тақалаяпти. Чунки корхона қарзга ботиб қолган. Давлатдан узоқ муддатли 2 миллион 843 минг сўм, муддати узайтирилган 761 минг сўм, райондаги хўжаликлараро механизациялашган 173-кўчма колоннадан 205 минг 482 сўм, «Коммунизм» колхозидан 178 минг 653 сўм, Карл Маркс номли колхоздан 120 минг 779 сўм ва яна бошқа хўжаликлардан кўплаб қарзи бор. Ҳаммаси бўлиб 5,5 миллион сўмдан зиёд.

Корхонанинг бундай аҳволга тушиб қолишига сабаб пункт собиқ раҳбарларининг совуққон ва масъулиятсизлиги, коллектив ҳар бир аъзосининг бир ёқадан бош чиқариб ишламаганлигидир. Собиқ директорлардан бири ишда йўл қўйган камчиликлари ва давлатни алдагани учун вазифасидан бўшатилган, сўнгра жиноий жавобгарликка ҳам тортилган.

Корхона қарзга ботган. Шаҳар, посёлка, район марказларидагина маҳаллий маблағ ҳисобидан қурилиш қилиш мумкин. Хўш, қишлоқларимиз болаларида нима айб? Ўзингиз ўйлаб кўринг: ота пунктда, она далада ишлайди. Боласини қаерда қолдиради? Жавоб маълум: ё ота, ё она меҳнат интизомини бузади — ишдан қолади ёки йўлини топса ҳам кечикиб боради. Шундай қилишга мажбур бўлган оилалар оз дейсизми? Пункт қарздан қачон қутулиши номаълум — беш, балки ўн йил керакдир? Хўш, ўшангача шундай алфозда яшаб бўлмайди-ку! —Одамлар масалани шу тарзда қўйишаётир.

Гулистон қишлоғида жойлашган Гагарин номли 37-ўрта мактабдамиз. Педагоглар ҳам юқорида келтирилган гапларни айтишди. Бундан ташқари уларнинг ҳам ўз ташвишлари бор экан.

— Мактабимиз — шу территориядаги ягона илм маскани, — дейди директор ўринбосари Пардабой Норбоев. — Ўқиш, ўқитиш шароитларимиз қониқарсиз: синфхоналар етишмаётганлиги сабабли мослаштирилган хоналардан фойдаланишга мажбур бўлаяпмиз. Алоҳида хона бўлмагани учун йўлак охирини бир амаллаб кутубхона қилиб олганмиз, кўмирхона учун ажратилган жойдан дарсхона, омбордан буфет сифатида фойдаланаяпмиз. Спорт зали, клуб, водопровод, ҳаммом ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

— Ростдан ҳам қишлоқларимизда турмуш шароити ёмон, — суҳбатга қўшилди тарих фани ўқитувчиси Зиёдулла Калонов. — Иссиқ жоннинг иситмаси ҳам бўлади. Мабодо, бирор кишининг тоби қочиб, «Тез ёрдам» чақириш зарур бўлиб қолса беморнинг ўғли ёхуд қўшниси бир амаллаб мотоциклми, машинами топиб қўшни совхоз идорасига бориб қўнғироқ қилиши керак. Чунки пунктдагидан ташқари бу атрофда телефон йўқ, у ҳам бир кун ишласа, беш кун бузуқ.

Хўжаликлараро бўрдоқичилик пункти директори Ўктам Ёдгоров қисқа муддат ичида хўжалик йўли билан 30—40 ўринли вақтинчалик болалар боғчаси қуришмоқчи, пункт идораси изоляция хонасини мослаштириб ҳаммом қилишмоқчи эканини айтди. Айни пайтда бундан бошқа йўл тутишнинг ҳеч иложи йўқлигини ҳам яширмади у.

Директор Ўктам Ёдгоров бу вазифада ишлаётганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Кўпчилик у кишининг яхши, ташкилотчи раҳбар эканлиги, қисқа вақт ичида корхонада бирмунча сезиларли ишлар қилинганини айтди. Биз суҳбатлашган одамлар ҳам буни эътироф этишди. У корхонага ишга келганида атиги 400 бош мол бор эди, ҳозир эса минг бош атрофида. Шу йил биринчи кварталида давлатга 126 тонна гўшт топширилди. Неча йиллардан буён биринчи марта корхонанинг банкдаги ҳисобига пул келиб тушди. Бу — ташкилотчилик, ишга масъулият билан ёндашиш, коллектив ҳар бир аъзосининг сидқидил меҳнати самараси. Демак, шундай ишласа бўлади ва бу шарт, ҳатто яна ҳам юқори кўрсаткичларни кўзлаб меҳнат қилиш, бунга эришиш лозим. Бинобарин, ҳуқуқ ва бурч бир-бирига уйғун бўлгани яхши. Чунки давр, қолаверса, маҳаллий шароит ҳам шуни тақозо этмоқда. Бироқ бу район партия, совет органларининг аҳоли маданий-социал шароити билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишдаги масъулиятини соқит қилмайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленумида шундай деб таъкидланди: «Умуман, ўртоқлар биз, республика активлари билан суҳбатда М. С. Горбачев таъкидлаб ўтганидек, болалар тўғрисидаги ғамхўрликка маҳкамачилик, хўжалик нуқтаи назаридан эмас, балки партия, давлат ва, қолаверса, инсоний позициялардан туриб ёндашайлик. Бу гап мактабларга ҳам, мактабгача тарбия муассасаларига ҳам тааллуқлидир. Республикада болаларнинг атиги учдан бири, қишлоқларда эса фақат тўртдан бири болалар боғчасига бориш имкониятига эга эканлигидан иборат мутлақо нонормал аҳвол биз, партия, совет, хўжалик раҳбарларига бевосита таъналдир. Бу ҳол болаларни мактабга тайёрлашни йўлга қўйишга ҳам, оналарнинг аҳволига ҳам жуда салбий таъсир қилмоқда. Бизга мактаб ва мактабгача тарбия биноларини қуриш, ремонт қилиш, ободонлаштиришга қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар барча корхона, ташкилот, хўжаликларни жалб этиш юзасидан қатъий наказ берилган. Партия ташкилотлари бу ишни жуда қаттиқ кундалик назорат остига олишлари керак».

Ш. УМИРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Оқшом файзи

Дам олиш саҳифаси

ГОСТИНИЦА УЗБЕКИСТОН МЕҲМОНХОНАСИ
HOTEL UZBEKISTON

Ҳиндистон кино усталари Тошкент халқаро фестивалида мунтазам қатнашиб келадилар. СУРАТДА: ҳиндистонлик меҳмонлар.

Дўстликнинг олмос қирралари

Ҳиндистон республикаси ҳозирги кунда дунёда энг кўп кинофильмлар ишлаб чиқарувчи мамлакат ҳисобланади. 1986 йил бу борада «серҳосил» бўлди: тўла метражли 912 та лента яратилди. Мамлакатнинг Бомбей, Калькутта, Мадрас, Бангалура шаҳарларида тўрт кино маркази ва бир неча регионал студия маҳсули ана шундай баракали.

Ҳиндистон бадиий картинаси ўз тарихини бундан роппа-росса 75 йил муқаддам, 1913 йилдан бошлади. Ўшанда экранга чиқарилган биринчи «Ража Харишчандр» фильми миллий кино тарихида катта воқеа бўлиб, унинг ижодкори режиссёр Дадасоҳиб Пхалка «ҳинд кинематографиясининг отаси» деган фахрий номни олди.

Мамлакатда кино ишлаб чиқариш жадал ривожланди, ҳинд ленталари жаҳон экранларида тез-тез пайдо бўла бошлади. Шуни айтиш кифояки, 1937 йилда Венецияда бўлиб ўтган кино санъатининг халқаро V кўргазмасида режиссёрлар В. Дамла ва С. Фатехлал яратган, бош ролларни Вишнупант Пагнис билан Гури ижро этган «Сант Тукарам» фильми жаҳоннинг энг яхши уч картинаси жумласига киритилди, 1946 йилда эса Четан Ананднинг «Нича Нагар» лентаси Канн халқаро кинофестивалининг катта мукофотини олди.

Ҳинд томошабини 30-йиллар охиридаёқ илк совет бадиий фильмлари билан танишиш имкониятига эга бўлди, 1937—1939 йилларда мамлакатимизда яратилган тўрт лента чет элга чиқарилди.

Совет Иттифоқининг фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураши Ҳиндистон халқларининг орзу-ниятларига ҳамоҳанг эди. Уларнинг Октябрь ватанига, унинг тарихи ва йирик ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга қизиқиши кучайди. Одамларнинг муайян қисми, аввало илғор зиёлилар буюк инсонпарвар ёзувчи Рабиндранат Тагорнинг «Россиядан мактублар» китоби билан танишганди. У 1930 йилдаёқ «Мактублари»га материаллар тўплаётганида Союзкинони зиёрат қилди. Бу ерда унга «Броненосец Потёмкин», «Янги ва эски» фильмларидан парчаларни кўрсатдилар.

Урушдан кейинги уч йилда дўст мамлакат экранларига йилига ўрта ҳисобда 9 та совет фильми чиқарилди.

1950 йил совет—ҳинд кинематография муносабатларида муҳим давр бўлди. Ҳиндистонда совет фильмларининг биринчи фестивали ўтказилди. Бундан бир йил аввал эса Москвада кино арбоблари учун Хўжа Аҳмад Аббоснинг «Ер болалари» картинаси кўрсатилди. 1954 йилда СССРда ҳинд фильмларининг биринчи расмий фестивали бўлиб ўтди.

Ҳозирги пайтда бундай кўрикларни ўтказиш ҳар икки мамлакатда одат тусини олди. Совет Иттифоқи ҳар йили сотиб олган ҳинд картиналари оммавий кўрсатув планларига мунтазам киритилмоқда. Совет томошабинларига ўтган қирқ йил мобайнида мазкур мамлакатда яратилган 300 дан ортиқ лента кўрсатилди.

Кино ишлаб чиқариш соҳасидаги совет—ҳинд алоқаларига бундан ўттиз йил муқаддам (1957) Деҳлидаги президент саройида «Уч денгиз оша» фильмини намойиш этиш билан асос солинди. Шундан кейинги йилларда яратилган «Қора тоғ», «Рикки-Тики-Тави», «Ганга узра тонг», «Али бобо ва қирқ қароқчи», «Севги ҳақида қисса» картиналари икки мамлакат ўртасидаги ижодий ҳамкорлик самараси бўлди. Сўнгги уч лента таниқли ўзбек режиссёри Латиф Файзиев томонидан суратга олинди.

1985 йилда Ҳиндистоннинг йирик сиёсий арбоби Жавоҳарлал Неруннинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган уч серияли ҳужжатли фильмнинг яратилиши билан совет ва ҳинд кинематографчилари ўртасидаги ҳамкорликда янги босқич бошланди.

Ажойиб бу анъана изчил давом этаётганлиги қувончлидир. Совет режиссёри Геннадий Васильев ва бу борада илк бор ишлаётган ҳинд киносининг «юлдузи» Шаши Капур биргаликда суратга олаётган фильм ҳозирча шартли равишда «Қора шаҳзода ёки ҳинд келини» деб аталади. Муаллифлар 6 ёшдан 70 ёшгача бўлганлар учун эртак яратишни мўлжаллаяптилар. Рус ва ҳинд фольклори унга асос қилиб олинган.

Ҳиндистон кинематографчилари эндиликда ўзининг йигирма йиллигини нишонлаётган Тошкент фестивалида қатнашиш тўғрисидаги таклифни бажонидил қабул қилиб, унинг ишида мунтазам иштирок этаяптилар. Улар ўтган анжуманларда турли жамоат ташкилотларининг совринлари ва дипломлари билан тақдирландилар.

Ҳинд киноси совет томошабинларига ниҳоятда ёқиб қолган. Дўст мамлакатнинг экран санъати билан танишув бундан ўттиз тўрт йил муқаддам Раж Капурнинг «Дайди» ва Бимал Ройнинг ер ҳақидаги ленталарини кўришдан бошланганди. Шундан буён ҳинд фильмларига қизиқиш йилдан-йилга ўсди. Буни қуйидаги маълумот ҳам яққол кўрсатиб турибди: республика кинопрокати фондида доимий сақланадиган 30—35 картинанинг ўнтасини йил мобайнида кўп сонли ўзбек томошабини кўрди.

Бунинг сабаби нимада? Биринчидан, уларнинг кўпчилигида халқ ҳаёти кенг кўрсатилса, иккинчидан, ғоявий мазмуни кучли, учинчидан, ҳинд фильмларида ёқимли қўшиқлар ва рақслар кўп. Бу томошабинни ўзига жалб этмасдан қўймайди.

Шу кунларда муваффақиятли ўтаётган Тошкент халқаро фестивали Ҳиндистон кинематографчиларининг қизиқарли ва ўзига хос янги картиналари билан танишиш имконини беради.

А. ТИТЕНСКИЙ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали
Тошкент-88

САВДО ШАҲАРЧАСИ

«Ўзбекистон» меҳмонхонаси билан «Интурист» ахборот маркази ўртасидаги сўлим хиёбонда савдо ярмаркаси ишлаб турибди.

— Дарахтзор зонага саноат молларини сотишга мўлжалланган 18 та серҳашам павильон ўрнатилди, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бош савдо бошқармасининг ташкилий бўлими бошлиғи М. И. Богданова. — Улар орасида Марғилон шойи газмоллари, бош кийимлар, ажойиб сопол буюмлар бор. Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларга савдо хизмати кўрсатиш ЦУМ, ГУМ, «Тошкент» фирмаси, «Таштекстильшвейторг»нинг энг яхши ходимларига топширилди. Ўз маҳсулотларимизни «Ганга» магазинида сотиш учун ҳам тақдим этаяпмиз.

Махсус совитгичлар билан жиҳозланган иккита «Музқаймоқ» ёзги павильони ҳам харидорларга хизмат кўрсатмоқда. Хиёбонларда йигирмата шарбат совитгич ишлаяпти. Бу ерларда сотиладиган яхна ичимликлар ҳам турли-туман. Помидор, олма, узум, ўрик, олхўри меваларидан тайёрланган шарбатлар ана шулар жумласидандир.

Тошкент шаҳар китоб савдоси бўлими ҳам боғ хиёбонларида ярмаркалар ташкил этиб, мухлисларни хушнуд этмоқда. Киноанжуман қатнашчилари ва меҳмонлар бу ердан янги бадиий, илмий-оммабоп китоблар, чет тилларда нашр этилган асарларни сотиб олишлари мумкин.

Меҳмонларни «Ўзбекистон» комплексида турли-туман ҳадялар кутмоқда. Махсус ташкил этилган магазинда «Ширин совға»лар сотилаётир. Наманган областидаги Тўрақўрғон қуруқ мевалар заводи анжуман қатнашчиларига ажойиб армуғон тайёрлади: корхонада чиройли қилиб қадоқланган баргак, қовунқоқи эътиборни тортмай қўймайди. Тошкентнинг «Ўртоқ» ва Янгийўл қандолат фабрикалари конфетлар йиғмаси, «Тошкентвино» комбинати эса мармелад ишлаб чиқарди.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг «Узторгоборудование» ишлаб чиқариш комбинатида маҳсулотларни қадоқлаш учун анжуман тамғаси туширилган махсус ўрама қоғозлар тайёрланди. «Союзторгреклама» Ўзбекистон агентлигининг буюртмаси билан ҳам улар кўплаб ишлаб чиқарилди.

Я. ОКУНЕВ.

●

Уч қитъа кинематографчиларининг ҳар бир учрашуви дўстлик, бирдамлик ва баҳамжиҳатлик шиори остида ўтмоқда.

СУРАТДА: ўзбек актрисаси Дилором Қамбарова фестиваль қатнашчилари даврасида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотолари.

УМРБОД ҚАЛБИМИЗДА

Ўтган йили Ғаллаорол шаҳри марказидаги Ленин кўчасида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик бунёд этилганди. Унинг атрофи ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилди. Икки йилдан буён Хотира куни ва Ғалаба байрами шу ерда ўтказилаётир. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар ёд этилиб, гулчамбарлар қўйилмоқда.

Ленин майдонини бунёд этиш ва доҳийга ҳайкал ўрнатиш ғаллаороликларнинг эзгу орзуси эди. Бу хайрли ишга шу йил февралда қўл урилиб, уч ойда тугалланди. Райондаги барча ташкилот, корхона ва муассасаларнинг коллективлари, кексаю ёш баҳоли қудрат бу қурилишга муносиб ҳисса қўшдилар.

Доҳий ҳайкалини республика бадиий фондига қарашли Самарқанд бадиий ишлаб чиқариш устахонаси коллективи ясади. Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреатлари, ҳайкалтарошлар Эйнулла Алиев, Василий Дегтярёв, Нодар Бандзеладзе ёдгорлик муаллифларидир. Ўзбекистонда бунёд этилган 50 га яқин социал-маданий объектга ишланган ёдгорликлар, бадиий безак ва нақшларда, «Меҳнат ва шон-шуҳрат» музейларида уларнинг муҳри бор. Жумладан Тошкент метросининг «СССР 50 йиллиги», Чкалов номли станцияларидаги ёдгорликлар, азим Самарқанд шаҳрида инқилоб чавандози Миркомил Миршароповга, республиканинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевга, бахши шоир Эргаш Жуманбулбул ўғлига ўрнатилган ҳайкаллар юксак санъат обидаларига айланди.

Ленин майдони ва ундаги доҳий ҳайкали — кутлуғ даргоҳ, ҳар бир ғаллаороллик учун қадрли ва мўътабар. Йиллар ўтади, табиат ўзгаради, аммо ғаллаороликларнинг буюк ва камтарин инсонга меҳр-муҳаббати қуёш каби боқийдир.

Ҳ. ХУДОЙҚУЛОВ.

КИТОБ МУАЛЛИФИ— БОЛАЛАР

Республика газеталарининг турли саналарга бағишланган конкурсларида минглаб болалар қатнашсалар-да, унинг натижалари чиқарилмасдан қолиб кетарди. Улар эса ўзлари ёзган шеър ва ҳикояларнинг алоҳида китоб бўлиб нашр этилишини истар эдилар. Бундай тажриба Ленинград ва Москвада синовдан ўтган. Болалар яратган китоблар қўлма-қўл бўлиб кетганди.

Ниҳоят «Ленин учқуни» газетасининг 1987 йил 17 январь сонида «Ҳар доим бўлсин қуёш» конкурси эълон қилинди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб газета билан «Юлдузча» нашриёти ҳамкорликда ташкил этган бу тадбирда ғолиб чиққанларнинг машқлари алоҳида китоб қилиб нашр этилажаги айтилди. Хабар ёш ижодкорларнинг айни муддаоси эди. Редакцияга ҳар куни ўнлаб ва юзлаб мактуб келди. Конкурс ҳайъати томонидан маъқул топган шеърлар, ҳикоялар ва расмлар газета саҳифаларида эълон қилиб борилди.

«Ҳар доим бўлсин қуёш» конкурсида 46 мингдан зиёд ўқувчи иштирок этди. Уларнинг тинчлик, Ватан, бахтли болалик, табиат ҳақидаги машқлари таниқли ёзувчилар, шоирлар, рассомлар томонидан сараланиб, ниҳоят ушбу китоб дунёга келди. 51 шоирнинг шеъри, 9 ёзувчининг ҳикояси, 33 рассомнинг расми, Андижон шаҳридаги 15-мактаб ўқувчиси Барно Турсунованинг «Кутилмаган саргузаштлар» қиссаси кирган мазкур тўплам машқларнинг мазмунига кўра беш бўлимга ажратилган. Улар «Онамдек ардоқли, суюксан, Ватан!», «Ҳар доим бўлсин қуёш!», «Онажоним—табиат», «Мактабда ва уйда», «Ранг-баранг олам», «Кутилмаган саргузаштлар» деб аталади. Тўғри, шеър ва ҳикояларнинг ҳаммасини пухта, юқори савияда ёзилган деб бўлмайди. Аммо ҳар бирида ёш юракларнинг она-Ватанига чексиз муҳаббати, дўстликка садоқати, табиатга, яхшиликка меҳр-туйғулари уфуриб турибдики, бу ўқувчиларга ўзгача шукуҳ бағишлайди.



Ёш муаллифлар китобдан келган қалам ҳақини хайрли иш — Болалар фондига, Тошкент шаҳридаги 21 ва Қашқадарё область Китоб районидаги Ғафур Ғулом номли 7-болалар уйи ихтиёрига ўтказишга қарор қилдилар. Ўрни келганда уларни болалар яратадиган иккинчи китобни тайёрлашда иштирок этишга чақирамиз. «Ленин учқуни» газетаси «Юлдузча» нашриёти билан ҳамкорликда Ленин комсомолининг 70 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказаётган «Онажоним — табиат» конкурсида ғолиб чиққанлар 1989 йилда нашр этиладиган иккинчи китоб муаллифлари бўлишади.

КУНЛАРДАН БИР КУН

КИМ ТОПҚИР?

1952 йилда собиқ жаҳон чемпиони Эйве билан югославиялик гроссмейстер Костич: «Ким ўз асрида кўп мамлакат ва шаҳарни кўрган?» — дея тортишиб қолишди. Иккаласи ўнлаб жуғрофий номни тилга олди. Костич кутилмаганда Лхассни эслатиб, у Тибет пойтахти эканини айтганида рақиби лол қолди. Ишбилармон гроссмейстер 1912 йилда бегоналар учун бутунлай ёпиб қўйилган сирли бу шаҳарга кириш йўлини топганди. Костич ҳатто Тибет руҳонийси билан шахмат ўйнашга жазм этган, аммо уриниши беҳуда кетганди. Бу ерда жорий этилган ўйин қоидаси Европада қабул қилинган тартибдан фарқ қиларди, масалан, Тибетда сипоҳлар орасида... маймун ҳам бор эди.

КЕЛГУСИ ЯРМАРКАГАЧА

XVIII асрда яшаган немис муаллифи Гюнтер Валь ўзининг «Шахмат тарихи»да (1798, Халле) эслатишича, ўрта асрларда Германия шаҳарларида бўладиган анъанавий ярмаркаларда турли мамлакатлардан келган савдогарлар катта пул қўйиб, шахмат ўйнаганлар. Агар учрашув ўша куни ниҳоясига етмаса, вазият ёзиб олиниб, маҳаллий нотариус томонидан тасдиқланар, конвертга солинган ҳолда келгуси ярмаркагача сақланарди.

ВАТАН СОҒИНЧИ

Машҳур гамбитлардан бири асли руминиялик, кейин эса Австрияда истиқомат қилган Адольф Альбин (1848—1920) номи билан аталганди. Уз вақтида келажаги порлоқ саналган бу шахматчининг қобилияти кейинчалик сўна бошлади. Альбин буни ватани Руминияни ниҳоятда соғингани, аммо у ёққа кўчиб кетиш учун моддий имкониятга эга эмаслиги билан изоҳларди. У шахмат ўйини бўйича биринчи дарсликни румин тилида ёзиб, юртига садоқатини намойиш этди.

ҲУЖУМКОР ҲИМОЯЧИ

Инглиз мастери Жеральд Абрахамс (1907 йилда туғилган) ўзининг қобилиятли одам эканини исбот этди. Аслида адвокат бўлган бу киши ҳуқуқшунослик, фалсафа, психология (шу жумладан шахмат руҳияти)га доир қатор китоблар ёзди, кучини бадиий адабиётда синаб кўрди.

Унинг ижодий фаолияти 30-йиллар охирида айниқса кенг шаклланди. Бу даврда, шахмат қомусларидан бирида таъкидланишича, Абрахамс «Буюк Британиянинг ажойиб ҳужумкор ўйинчиси сифатида ўзини кўрсатди. У ўшанда бир неча оғир суд жараёнида ҳам ғолиб чиқди».

ОЛТИН ЎЙИН

1450 йилда Аугсбург шаҳрида (Германия) доминикалик руҳоний Иоханнес Ингольднинг «Олтин ўйин» китоби нашр этилди. Муаллиф унда қизиқарли етти ўйин ҳақида мулоҳаза юритиб, етти қайғуга ўхшатди. Ингольд «олтин ўйин» — шахматни уларга қарама-қарши қўйиб, у одамда ақлий кучни кучайтиришини таъкидлади.

СССР спорт мастерлигига номзод **Анвар ИНОҚОВ** тайёрлаган.



КРОССВОРД

Соат мили йўналиши бўйича.

1. Магматик ер томир тоғ жинси. 4. Сафланиш, тайёрланиш буйруғи. 7. Денгиз маҳлуқи. 10. Биринчи ўзбек драматурги. 13. Улкан сув ҳавзаси. 16. Гана республикаси пойтахти. 25. Европадаги давлат маркази. 26. Кимёвий элемент. 27. Почта янгилиги. 28. Иморатнинг ойнаванд қисми. 29. Чорва маҳсулоти. 30. Улкан сувликда яшовчи ҳайвон. 31. Бўёқ тури. 32. Дастурхон кўрки. 33. Андижон областидаги район. 34. Волга дарёсининг ўнг ирмоғи. 35. А. М. Горький романи. 36. Бир неча киши имзолаган ҳужжат. 37. Ўрта Осиёдаги дарё. 38. Грек ҳарфи. 39. Музика асари. 40. Чақалоққа берилган атама. 41. Балхаш кўлига қуйиладиган дарё. 42. Геометрик айланма жисм.

Айлана йўналиши бўйича.

2. Техника экини. 3. Орзу-умид. 20. Шеър ўлчови. 5. Металл. 6. Италиялик машҳур футболчи. 21. Жиҳоз. 8. Ғафур Ғулом поэмаси. 9. Миллат. 22. Сервитамин мева. 11. Ўзбек миллий халқ оғзаки ижоди. 12. Олий лига футбол командаси. 23. Ёзма иш тури. 14. Заҳарли илон. 15. Ҳисор тоғидаги довон. 24. Юк кўтарувчи механизм. 17. Чолғу асбоби. 18. Адабий жанр. 19. Ёзнинг иссиқ даври.

Тузувчи,
Турсунали ҒАНИЕВ.

* * *

Дам олиш саҳифасида эълон қилинаётган криптограмма, кроссворд, чайнвордларга вақтида жавоб йўллаётган газетхонлар сони тобора кўпайиб бораяпти. 15 майда эълон қилинган криптограммага 100 дан ортиқ хат олганимиз ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Ўткир зеҳнлилар баҳсида айниқса андижонликлар ўзларини кўрсатишганини таъкидлаш керак. Улардан М. Исоқова, М. Гасанова, Х. Қаҳҳорова, М. Жамолова, Д. Салимова, С. Аҳмедова, Х. Худойқулова, О. Мамарасулова, Б. Тожибоев, О. Омонов, О. Олимов, Ш. Икромжонов, У. Абдуваҳобов, М. Ҳакимов, Н. Мирзаев, Т. Шодмонов, А. Эргашев, Ж. Ҳамроев, А. Моилов, Қ. Маҳкамов, Насиба ва Одина Мухторова саволларга тўғри жавоб йўллашган.

Шунингдек, қашқадарёлик Ж. Элмуродов, Э. Айматов, Ш. Элмуродов, Ж. Сувонова, Х. Худойназарова, А. Соатов, Г. Қўлбулова, Й. Баҳодиров, М. Иброҳимов, Б. Абдураҳимов, М. Ҳамроев, Т. Тошқулов, самарқандлик Г. Отақурбонова, Н. Ҳақбердиева, Д. Розиқова, К. Шодиева, Х. Хидиров, Ғ. Имомов, А. Бобоқулов, У. Маҳмудов, М. Розиқов, фарғоналик М. Бойназарова, З. Мирзааҳмедова, М. Ҳамроқулов, Б. Маматов, Ш. Юсупалиева, Х. Маърупов, К. Қодиров, Р. Имомқулов, жиззахлик Н. Рустамова, У. Абдуназаров, К. Кубаев, Э. Қўшмуродов, Д. Муродов, А. Тиллаев, А. Ихтиёров, наманганлик М. Усмонова, Р. Бозорова, М. Абдураҳмонов, Ғафуровлар оиласи, навоийлик М. Ашўрова, Э. Маматова, Г. Маманова, Х. Тўлаганов, А. Набиев, сурхондарёлик Н. Ҳасанов, Х. Қобилова, А. Равшанов, бухоролик Ш. Рустамова, Нафиса ва Наима Омонова, С. Аҳмедов, Тошкент областилик Ш. Қўчқоров, Ф. Орифжонов, Н. Тешаев, Н. Эргашев, қорақалпоғистонлик А. Юсупова, Ф. Реимов, У. Умаров, хоразмлик Н. Абдуллаева, О. Нуруллаев ва сирдарёлик Д. Арзиқулов фаол қатнашишганини таъкидлаймиз.

Балли, ўткир зеҳнлилар!

Спорт хабарлари

ФУТБОЛ

Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Ўн матчда дарвозаларга 21 та тўп киритилди. Улардан ўн тўрттаси майдон эгалари, еттитаси меҳмонлар ҳисобига ёзилди. Беш учрашувда мезбонлар ғолиб чиқдилар. Икки ўйинда меҳмонларнинг қўли баланд келди. Уч матчда дуранг натижа қайд этилиб, рақиблар очколарни ўзаро баҳам кўрдилар.

Ўйинлар жадвалининг биринчи поғонасини банд этиб, лига коллективлари орасида карвонбошилик қилаётган «Динамо» командаси мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. Риганинг «Даугава» коллективини қабул қилган ставропollik футболчилар 1:0 ҳисобида устун келдилар.

«Пахтакор» сафарда ғалаба қозонди. Футболчиларимиз Ворошиловградда маҳаллий «Заря» клубини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Йирик ҳисоб Оржоникидзеда қайд этилди. Львовнинг СКА «Карпати» командаси билан учрашувни ҳужумкорликда ўтказган маҳаллий спартакчилар 4:1 ҳисобида зафар қучдилар.

«Кузбасс» (Кемерово) — СКА (Ростов), «Ростсельмаш» — «Помир» учрашувлари бир хил ҳисобда тугади —1:1. «Гурия» — «Металлург» (Запорожье) ўйинида ҳисоб очилмади.

Бошқа учрашувлар натижаси: «Шинник» — «Кубань» — 1:0, ЦСКА — «Ротор» — 2:0, «Таврия» — «Котайк» — 3:1, «Динамо» (Ботуми)— «Колос»— 0:1.

Навбатдаги учрашувлар бугун ўтказилади. Шу куни «Пахтакор» Ростовда маҳаллий «Ростсельмаш» командаси билан учрашади.

ОҒИР АТЛЕТИКА

Афинада ўтказилган ўсмирлар жаҳон чемпионати мутахассису мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Унда турли мамлакатларнинг умидли полвонлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

75 килограммгача вазнда болгариялик Атанас Тянев ва совет спортчилари —ашхободлик Олтинмурод Ўроздурдиев билан днепропетровсклик Андрей Козлов ғолиблик учун курашдилар. Икки бор тош кўтаришда яхши натижа кўрсатган Тянев ғолиблик шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди. Мамлакатимиз вакиллари эса иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

ШАХМАТ

Фрунзеда бўлиб ўтган Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти чемпионатида биринчи-иккинчи ўринларни Қизил Байроқли Ўрта Осиё ҳарбий округи вакиллари — халқаро мастерлар Е. Владимиров билан Л. Юртаев қўлга киритишди.

БАСКЕТБОЛ

Чехословакиянинг Градец-Кралов шаҳрида хотин-қизлар ўртасида халқаро мусобақа ўтказилаяпти. Унда иштирок этаётган СССР терма командаси иккинчи ғалабани қўлга киритди. Баскетболчи қизларимиз Руминия терма командасини 107:67 ҳисобида енгдилар.

Редактор ўринбосари
Н. ЁҚУБОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р. — 10813. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 2009. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12